# Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 23-avgust, shanba № 102-103 (3452)


**Бугун биз қўлга киритаётган юксак марраларга етишда юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, менинг ҳам меҳнатим, хизматим бор, деб бошини баланд кўтариб яшашга ҳақлидир.**

**Ислом КАРИМОВ**

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Базаров Абдимурат

Маматкулов Шукуржон

Низамходжаев Зайниддин Махаматович

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони берилиб, олий нишон — **«Олтин юлдуз»** медали топширилсин:

**Базаров Абдимурат** — Қамаши туманидаги «Бозор ўғли Абди» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Маматкулов Шукуржон** — Олтинкўл иқтисодиёт коллежи директори, Андижон вилояти

**Низамходжаев Зайниддин Махаматович** — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази бўлим мудири

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 22 август

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Термиз шаҳрини «Амир Темур» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Мустақиллик йилларида шаҳар аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда эришган муваффақиятлари, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, халқимизнинг тарихий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ёшларимизни улуғ аждодларимизга хос эзгу қадриятлар, мардлик ва жасорат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги катта хизматлари учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Термиз шаҳри **«Амир Темур» ордени** билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 22 август

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

***Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:***

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРТИСТИ»**

**Султонов Нормўмин Намозович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**Ўтбосаров Абдумўмин Абдумажитович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали диктори

*(Давоми 2-саҳифада).*

### Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги олдидан

## Энг улуғ, энг азиз байрам — ижодкорлар нигоҳида

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

Унда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, адабиёт ва санъат намояндалари, маънавият тарғиботчилари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И.Ҳалимбеков, Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раиси И.Латипов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори М.Ҳазратқулов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ижодкорларнинг эркин ва самарали меҳнат қилиши, ўз қобилияти ва иқтидорини тўла намоён этиши учун барча имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидлади.

*(Давоми 6-саҳифада).*

### II ўсмирлар Олимпия ўйинлари

***Хитойнинг Нанкин шаҳрида давом этаётган II ўсмирлар Олимпия ўйинларида ҳамюртимиз Владимир Свечников 10 метр масофадан тўппончадан ўқ отиш бўйича микст баҳсларида олтин медалга сазовор бўлди.***

## БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ!

Болгариялик Лидия Ненчева билан баҳсларга киришган спортчимиз аввал франциялик Эдуард Дортомб ва норвегиялик Сара Элин Страмнестро, словениялик Хосе Сепер ва ҳиндистонлик Яшасвини Сингҳ Десвал, арманистонлик Завен Игитян ва Хитой Тайпейидан Тин Ю Чунг, ҳал қилувчи мусобақада мисрлик Аҳмад Муҳаммад ва сингапурлик Хию И Тех жуфтликларидан устун келди.

— Албатта, айни пайтда хурсандчилигимнинг чегараси йўқ. Бугун финал мусобақалари ўтказилган жойга Ўзбекистон делегацияси аъзоларининг деярли барчаси келиб, мени қўллаб-қувватлаб туришди. Бу менга қўшимча куч бағишлаб, ўзимга бўлган ишончни янада оширди. Ушбу ғалабамни тобора яқинлашиб келаётган Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрамига бағишлайман, — деди Владимир Свечников ОАВ вакиллари билан суҳбатда.

Дзюдо бўйича жамоавий баҳсларда қатнашган ёш полвонимиз Суҳроб Турсунов ҳам ғазнамизга олтин медал қўшиб қўйди. Пуэрто-Рико вакили Адриан Гандиа, россиялик Михайл Иголников, франциялик Моргане Дучене, аргентиналик Аэлен Элизече, голландиялик Лиза Милленберг ва португалиялик Мария Сидерот билан «ROUGE» жамоасида қатнашган Суҳроб Турсунов 66 кг.гача бўлган полвонлар беллашувида болгариялик Стоян Тарапановни, беларуслик Дмитрий Минкоуни, арманистонлик Харутюн Дермишянни ва Коста-Рика вакили Хулиан Санчони енгиб, жамоадошлари билан шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

ЎзА суратлари

Ўсмирлар Олимпиадасининг таэквондо (WTF) бўйича ўтказилган баҳсларида иштирок этган ҳамюртимиз Умида Абдуллаева вазни 63 кг.дан оғир бўлган таэквондочилар ўртасида иккинчи ўринни эгаллади. Мусобақанинг чорак финалидан баҳсларга киришган Умида свазилендлик Шарлота Мунавини 17:3, ярим финалда хитойлик Чен Лини 1:0 ҳисобида енгиб, кумуш медал соҳибасига айланди.

Оғир атлетикачимиз Фарҳодбек Собиров (-85 кг.) «А» гуруҳида медаллар учун кураш олиб борди. Фарҳодбек даст кўтаришда 147 кг., силтаб кўтаришда эса 174 кг. тошни ўзига бўйсундирди ва иккикураш якунига кўра 321 кг. натижа қайд этиб, Олимпиада ўйинларининг кумуш медалига сазовор бўлди.

Айни пайтда ўзбекистонлик спортчилар ҳисобида 2 олтин, 2 кумуш ва 2 бронза медали бор.

**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## ЯНГИ ШОХОБЧА

Фарғона туманининг «Саткак» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида «Водий мунаввар тонги» масъулияти чекланган жамияти автомобилларга метан газ қуйиш шохобчаси фойдаланишга топширилди.

— Яқин кунларда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, мой алмаштириш, газ ускуналарини ўрнатиш, уларни синовдан ўтказиш хизматларини ҳам йўлга қўйишни режалаштирганмиз, — дейди шохобча раҳбари Гайбулло Эгамбердиев. — Ҳозир бу ерда 50 нафар фуқаронинг иш билан бандлиги таъминланди. Йил охиригача яна 10 та иш ўрни яратилади.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

### Касаба уюшмалари: фаолиятга янгича ёндашув

## Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

***Мустақиллик йилларида Тошкент янада мафтункор ва бетакрор қиёфа касб этди. Бу заминда қад кўтараётган жаҳон меъморий андозаларига мос пурвиқор иншоотлар, яратувчилик ва янгиланишга йўғрилган хайрли ишлар фахр ва ифтихор ҳиссини жўш урдиради. Ана шундай пайтда юрт тинчлиги, эл хотиржамлигидан кўра улуғроқ неъмат йўқлигини ҳис этамиз. Зеро, осойишта диёрда яшаб, унинг равнақи йўлида меҳнат қилишнинг ўзи катта бахт.***

## ЭЗГУ ИШЛАР КАМОЛИДА БАХТИМИЗ

— Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида 2014-2016 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув имзоланганги ҳамда унинг ижроси бўйича уч томонлама комиссиянинг ташкил этилгани Тошкент шаҳридаги барча бўғин касаба уюшма ташкилотлари ҳамда янги ташкил этилаётган бошланғич ташкилотлар зиммасига ниҳоятда катта вазифаларни юкламоқда, — дейди Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Саидаҳмад Аъзамов. — Айни вақтда касаба уюшма хизматига олинган 4057 та юридик шахсларнинг 3081 тасида жамоа шартномалари тузилган бўлиб, улар орқали 393.271 нафар меҳнаткаш манфаати қамраб олинган. Жамоа шартномаси бандларини бажариш йўлида ҳар бир ходимга сарфланган маблағ ўртача 1 млн. 314 минг сўмни ташкил этади. Бу ўтган йилга нисбатан 12,4 фоиз кўпдир.

Касаба уюшмалари фаолияти ғоят серқўлам бўлиб, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда ижтимоий шериклар, яъни иш берувчилар билан тузиладиган келишув ҳамда жамоа шартномалари муҳим аҳамият касб этаётир.

Бирлашма кенгаши ва унинг тизимидаги бошланғичларнинг саъй-ҳаракати билан жорий йилнинг 6 ойида жамоа шартномаларида белгиланган кафолат ҳамда имтиёзлар орқали 252 та корхонада 2296 та эҳтиёжманд оилага моддий ёрдам берилди. Камхарж, боқувчисини йўқотган 104 та оила фарзандлари учун дарслик, ўқув қуроллари харид қилишга кўмаклашилди. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган 365 нафар ёш онага 114 та корхонада иқтисодий кўмак берилди. Нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 30 нафар ёш болали аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси 35 соат қилиб белгиланди.

Аъзолик афзалликларини асослаш масаласи ҳеч қачон ўз актуаллигини йўқотмайди. Шу боисдан ҳар ойнинг якунида бу борадаги фаолият бирлашма кенгашида кўриб чиқилмоқда. Янги тузилган ташкилотларга амалий ва методик ёрдамлар кўрсатилиб, жамоа шартномалари тузиш борасида етакчилар ҳар томонлама қўллаб-қувватланяпти. Бирлашма кенгаши ва туман кенгашлари қошидаги нодавлат секторида касаба уюшма ташкилоти тузиш бўйича мониторинг гуруҳларининг доимий фаолияти натижасида ўтган йилнинг 6 ойида 149 та янги касаба уюшма ташкилоти тузилган бўлса, бу рақам жорий йилда 304 тага етди.

*(Давоми 4-саҳифада).*

Ishonch
2014-yil 23-avgust № 102-103 (3452)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг
## ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

**Холиқова Муқаддас Шомақсудовна** — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАХШИСИ»

**Чоршанбиев Очил Элмуродович** — Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактаби мусиқа фани ўқитувчиси (бахши)

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ УСТАСИ»

**Мадалиев Масуджон Маҳмудович** — «Устазода» халқ санъати усталари корхонаси кандакор устаси

**Муротов Ҳабибиддин Тожиддинович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганчкор уста

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»

**Каримов Бахтиёр Рауфович** — Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 90-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ҲОФИЗИ»

**Иброҳимов Илҳом Абдуллаевич** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг Фарғона вилояти бўлими хонандаси

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»

**Абдуқодирова Шодия Дилшотовна** — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

**Атабаев Алишер Исроилович** — Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси аъзоси, актёр

**Аҳмедов Элмурод Ғанишерович** — Ўзбекистон бадиий жамоалари ижодий бирлашмаси «Мақом» ансамбли хонандаси

**Аширалиев Фурқатбек Даврон ўғли** — Ўзбекистон бадиий жамоалари ижодий бирлашмаси «Мақом» ансамбли хонандаси

**Бекчанов Александр Сатимович** — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри вокал артисти

**Ғуломова Муҳаббат Юсуфовна** — «Истиқлол» санъат саройи қошидаги «Тошкент зеболари» рақс ансамбли раққосаси

**Мигнарев Абдухалил Абдуллаевич** — «Ўзбекфильм» киностудияси актёри

**Пиязов Женисбек Буркитович** — Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқали театр-студияси опера хонандаси

**Раҳимова Дилноза Ҳакимовна** — Самарқанд вилояти мусиқали драма театри актёри

**Турдиева Юлдуз Чориевна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қошидаги ашула ва рақс ансамбли хонандаси

**Ҳайдарова Зарифа Бахромовна** — Андижон вилояти мусиқали драма ва комедия театри актёри

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙИ»

**Маврулов Абдухалил Абдулхаевич** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори

**Тўйчиева Зумрат** — Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи бўлим бошлиғи

**Умуров Ҳотам Икромович** — Самарқанд давлат университети профессори, адабиётшунос

**Хасанова Любовь Тихоновна** — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқув ва илмий ишлар бўйича проректори

**Ҳусанов Абдумутал Холмўминович** — Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг енгил атлетика бўйича мураббийи

**Қувватова Раҳимахон Собиржоновна** — Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»

**Абдураҳимов Карим Бурҳонович** — «Правда Востока» газетасининг Бухоро вилояти бўйича мухбири

**Латипов Чори Тошмуродович** — «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири

**Ўрмонова Саодат Убаевна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлар» муҳарририяти катта муҳаррири

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

**Аяпов Шарапатдин** — Нукус давлат педагогика институти академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўлими бошлиғи, шоир

**Башарова Феруза Қутлуқовна** — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти бўлим мудири

**Гиёсова Гулчеҳра Кўчқоровна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали режиссёри

**Жумаев Абдуғани Жалилович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, фотограф

**Мелиев Сувонқул** — ЎзФА Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, адабиётшунос

**Султонов Исажон Абдураимович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

**Тюрин Александр Иванович** — Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси

**Ҳакимова Ровза Мирсалиевна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбектелефильм» студияси овоз режиссёри

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»

**Мурмусаева Гулнора Кўчқоровна** — Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тиббиёт маркази референс лабораторияси мудири

**Омонов Шавкат Эргашевич** — Тошкент педиатрия тиббиёт институти кафедра мудири

**Тошпўлатов Абдувоҳид Ғаниевич** — Республика ихтисослашган суяк касталиклари ва жароҳат оқибатларини даволаш илмий маркази директори

**Узақбаева Замира Зарлиқбаевна** — Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани тиббиёт бирлашмаси педиатри

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

**Собиров Фарҳод Шавкатович** — Спорт ўйинлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг шахмат бўйича катта мураббийи

**Турғунов Ойбек Аширович** — Андижон олимпия захиралари коллежи оғир атлетика бўлими мураббийи

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ»

**Мамазулунов Ойбек Каримшер ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Мочалов Алексей Юрьевич** — Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

**Аҳмадалиева Муқаддасхон Обидовна** — Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси

**Бобоева Нигора Амиркуловна** — Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси

### «БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Қаюмов Азизхон** — ЎзФА академиги, адабиётшунос

### «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Аҳмедов Муҳаммад Али** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

**Ғафурбеков Тўхтасин Ботирович** — Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқа тарихи ва танқид кафедраси профессори, композитор

**Назарбеков Озодбек Аҳмадович** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

**Умаров Саидкомил Ҳамраевич** — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

### «ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Арипова Шоҳида Раҳматовна** — Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар 4-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори

**Атамуратов Елмурат Турсимуратович** — Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани «Кенес» қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори

**Мирзаалиев Иқболжон Мирзакаримович (Иқбол Мирзо)** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари

**Наубетов Даулетяр Дауишбаевич** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиали травматология бўлими мудири

**Раҳимов Акбар Муҳитович** — Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, кулол

**Холиқова Зулхумор Абдувоҳидовна** — Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактаби директори

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Аваков Вячеслав Ервандович** — Тошкент тиббиёт академияси «Анестезиология ва реаниматология» кафедраси профессори

**Авезова Нилуфар Раббанақуловна** — ЎзФА Физика-техника институти етакчи илмий ходими

**Бекчанов Нурулла** — Хоразм вилояти Боғот тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири

**Ғойипов Норматжон Нишонбоевич** — «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи етакчи муҳаррири

**Зайтаев Муҳамаджон** — «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи директорининг биринчи ўринбосари

**Миршина Ольга Павловна** — Республика давлат санитария-эпидемиология назорат маркази коммунал гигиена бўлим мудири

**Муҳамедов Шавкат** — Ўзбекистон бадиий жамоалари ижодий бирлашмаси созандаси

**Раҳимова Раъно Сафаровна** — Республика Маънавият тарғибот марказининг Жондор тумани бўлими раҳбари

**Султонова Ўғилой Набиевна** — Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги 3-ихтисослашган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси

**Юсупов Ғуломзакир Есенович** — «Нурлы жол» газетаси бош муҳаррири

**Юсупов Зияутдин Миркадирович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганч ўймакор уста

**Ёқубов Бахтиёр Раҳимович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри директори

**Куронов Муҳаммад** — Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари вазифасини бажарувчи

**Ҳалимов Жамол Намозович** —Бухоро вилояти Шофиркон маиший хизмат ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

***Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:***

### II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуллаев Мурод Бобожонович** — Бухоро вилояти Олот тумани тиббиёт бирлашмаси реанимация бўлими болалар реаниматологи

**Бозорова Турсун Наврўзовна** — Навоий вилояти перинатал марказининг чақалоқлар бўлими ҳамшираси

**Бортникова Оксана Ивановна** — Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 23-сонли ихтисослаштирилган олимпия захиралари спорт мактабининг синхрон сузиш бўйича мураббийи

**Каримов Равшан Раҳимович** — Бухоро шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг миллий кураш бўйича мураббийи

**Наипова Дилдора Турсуналиевна** — «Булбулча» болалар ашула ва рақс ансамбли хормейстери

**Шералиева Саёҳат** — Фарғона шаҳар болалар уйи ҳамшираси

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдимов Жигербай** — Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри актёри

**Абдувоҳидов Мубаширхон** — Наманган муҳандислик-технология институти «Технологик машина ва жиҳозлар» кафедраси доценти

**Азизов Эркин Турсунович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси Наманган вилояти бўлими аъзоси, рангтасвирчи рассом

**Болтаев Ботир** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими аъзоси, реставратор

**Данилова Наталья Адамовна** — Республика қўғирчоқ театри актёри

**Дурдиев Бармат** — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ижодий бирлашмалар ва халқ ижодиётини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Исоқова Бўтақўз Камолдиновна** — Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

**Маҳмудова Ҳаида Саидикрамовна** — Спорт ўйинлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг стол тенниси бўйича мураббийи

**Муҳамедалиев Ҳайдар (Ҳайдар Муҳаммад)** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, драматург

**Пак Виктор Николаевич** — Ўзбекистон корейс маданий маркази раиси

**Расулов Ботиржон Қосимович** — Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри бош дирижёри

**Роговая Татьяна Петровна** — Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадиий гимнастика бўйича мураббийи

**Седухин Сергей Михайлович** — «Дийдор» театр-студияси рассоми

**Суннатов Одил** — Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори

**Сугано Рейко** — Тошкент давлат шарқшунослик институтининг «Япон филологияси» кафедраси катта ўқитувчиси

**Тожибоева Назира Отахоновна** — Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг жаррохлик бўлими мудири

**Усмонова Зуҳро Ўктамовна** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг Таржима таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари

**Шомуродов Тоғаймурод** — Самарқанд вилояти «Зарафшон» газетаси мухбири

**Эргашев Баҳодир Ҳожиқурбонович** — «Фуқаролик жамияти — Гражданское общество-Civil society» журнали бош муҳаррири

**Эргашев Раҳим Ражабович** — Бухоро вилояти мусиқали драма театри актёри

**Эргашова Мухтасархон Йўлдошевна** — Андижон вилояти Балиқчи тумани «Аълам» қишлоқ врачлик пункти мудири

**Юнусов Дамир Идрисович** — «Ўзбекдавлатцирки» республика бирлашмаси артисти

**Қдирниязова Кансаят Оразовна** — Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий исло-ҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:***

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуллаев Икромиддин Нумонович** — Фарғона вилояти Бувайда туман «Мақомчилар» халқ ансамбли мусиқа раҳбари

**Абдуллаев Мамасоат Ганиевич** — Жиззах санъат коллежи бўлим бошлиғи

**Абдуллаева Малика Мирзажоновна** — Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани «Дўстлик» қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси

**Абдураимова Нигина Жасур қизи** — Теннис бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Абидова Зулфия Дилшодовна** — Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 51- оилавий поликлиника офтальмологи

**Адилова Саида Арзиевна** — Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмаси 7-сон поликлиника ҳамшираси

**Аминова Зиёда Аслоновна** — Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси телевидение гуруҳи катта муҳаррири

**Асқаров Маҳмадали Раҳбарович** — Тошкент ҳайвонот боғи бўлим мудири

**Бобобекова Юлдуз** — Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

**Бобохонова Зебо Абдуллаевна** — Тошкент кимё-технология институти «Силикат материаллар ва нодир, камёб металлар технологияси» кафедраси доценти

**Боймуродов Ашуркул** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Ваисова Гулчеҳра Аҳмедовна** — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали қошидаги 1-сон академик лицейининг инглиз тили фани ўқитувчиси

**Давлатов Қозоқжон Кўзиевич** — Республика Маънавият тарғибот марказининг Қорақўл тумани бўлими тарғиботчиси

**Давлатов Эркинжон Худойназарович** — Навоий вилояти Зарафшон саноат касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси

**Дадаматов Абдукарим Усмонович** — «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи босма цехи чоп этувчиси

**Жалилов Ботир Қосимович** — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси қирқув дастгоҳлари машинисти

**Дусанова Надия Юсуповна** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Ибрагимов Шавкат Худайназарович** — Хоразм вилояти телерадиокомпанияси режиссёри

**Имомов Иқболжон Мухтарович** — Ўзбекистон миллий симфоник оркестри созандаси

**Иргашева Дурдона Ёқубжоновна** — Тошкент ахборот технологиялари университети ахборот хавфсизлиги кафедраси мудири

**Каримов Мирвосит Мирвосиқович** — Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази бўлим мудири

**Куприянова Наталья Георгиевна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри хормейстери

**Мирзааҳмедов Султонмурод Тўхтамуродович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбектелефильм» студияси постановкачи-оператори

**Мирсаидова Муқаддас Олимхўжаевна** — Қашқадарё вилояти Қарши тумани тиббиёт бирлашмаси қишлоқ врачлик пункти мудири

**Муқумова Розия Жўраевна** — Сирдарё вилояти кўзи ожизлар махсус ахборот-ресурс марказининг бўлим мудири

**Муталов Дилшод Азизович** — Ўзбек давлат академик халқ чолғулари оркестри бадиий раҳбари – бош дирижёри

**Намуратов Эшбек Кунгирович** — Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги «Чавқи» фолклор-этнографик халқ ансамбли бадиий раҳбари

**Носирова Муяссар Азизовна** — Фарғона вилояти перинатал маркази бўлим мудири

**Нигманова Маҳфуза Муҳиддиновна** — «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи муқовалаш цехи буклов машинаси машинисти

**Нишонов Ҳусан Маҳмарайимович** — «Маърифат» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

**Нуралиева Гулноза Саъдуллаевна** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази 1-шошилинч педиатрия бўлими мудири

**Нуриддинова Жамилахон Икромовна** — Фарғона вилояти Қува туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

**Обрўева Гулчеҳра Ҳамроқуловна** — Самарқанд давлат чет тиллар институти инглиз тили фонетикаси кафедраси мудири

**Ортиқов Шавкатжон Зокиржонович** — «Халқ сўзи» газетаси бўлим муҳаррири

**Парпиев Алишер Ҳожимуродович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телерадиоканали режиссёри

**Ражабов Ислом Аъзамович** — Қарши санъат коллежи ўқитувчиси

**Ражапов Бахтиёр Бобомуродович** — Қашқадарё вилояти Касби туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси

**Расулов Абдуҳамидулла Эркинович** — Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефереси

**Раҳимов Миршоҳид Собитович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Спорт» телеканали бош мутахассиси

**Раҳматова Жамила Адизовна** — Бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Раҳмонова Насибахон Турсуновна** — Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани «Ҳуррият» қишлоқ врачлик пункти мудири

**Рузметова Оксана Азадовна** — Хоразм вилояти Хива туманидаги 20-сонли «Меҳрибонлик уйи» тарбиячиси

**Содиқов Илҳом Исмоилович** — ЎзФА Ядро физикаси институти лаборатория мудири

**Сасмаков Собиржон Анарматович** — ЎзФА Ўсимлик моддалари кимёси институти катта илмий ходими

**Сатторов Қаҳрамон Ўроқбоевич** — Ангрен ахборот технологиялари ва саноат касб-ҳунар коллежининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

**Сафарова Холбиби Ҳотамовна** — «Маҳалла» газетасининг Навоий вилояти бўйича мухбири

**Тожибоева Сайёра Мирзамудовна** — Сирдарё вилояти Гулистон тумани қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг биология фани ўқитувчиси

**Тошбоева Ихлим** — «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, каштадўз

**Турдиқулов Шавкат Суюндиқович** — Республика олимпия захиралари коллежи қиличбозлик бўлими катта мураббийи

**Шодиев Маҳамаджон Маҳмуджонович** — «Овози тожик» газетаси бўлим муҳаррири

**Усмонова Дилдор Усмоновна** — Тошкент кимё-технология институти қошидаги академик лицейнинг кимё фани ўқитувчиси

**Усмонова Луиза Тўхтасиновна** — Жиззах тумани «Жиззахлик» қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори

**Файзиматов Музаффар Азамович** — Республика болалар ортопедия маркази чаноқ-сон бўғими патологияси бўлими мудири

**Ҳайдарова Зулхумор Расуловна** — Андижон вилояти Олтинкўл тумани тиббиёт бирлашмаси қишлоқ врачлик пункти мудири

**Ҳақназаров Мамараҳим Абдукаримович** — «Сайхун йигитлари» фольклор-этнографик халқ ансамбли бадиий раҳбари

**Хўжаева Гулбаҳор Тошевна** — Навоий вилояти Қизилтепа тумани тиббиёт бирлашмаси неонатологи

**Худойберганова Мақсуда Ҳайдаровна** — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи муқовалаш цехи муқоваловчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 22 август

# Жиззах жамол очмоқда

***Жиззах шаҳри мустақиллик йилларида янги бош лойиҳа асосида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари натижасида янада кўркам қиёфа касб этиб бораётир. Шаҳарнинг марказий кўчалари кенгайтирилиб, замонавий иншоотлар, турар жой бинолари қад ростламоқда. Сўнгги йилларда шаҳарнинг Мустақиллик, Буюк Турон, Шароф Рашидов, Алишер Навоий, Шифокорлар кўчаларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Йўллар икки томонлама транспорт қатновига мослаштирилиб, ободонлаштириляпти. Кўчаларнинг ҳар икки тарафидаги пастқам, кўримсиз уй ва иншоотлар ўрнида замонавий 2-3 қаватли ҳашаматли иморатлар қад ростлаётир.***

ЎзА сурати

Президентимиз Фармони билан Жиззах махсус индустриал зонасини ташкил этиш ва жами қиймати 286,1 миллион АҚШ долларига тенг бўлган етмишта йирик қувватни ишга туширишни ҳамда Жиззах шаҳрининг Бош режасига киритиладиган ўзгаришлар юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламдаги қурилишлар вилоятимиз келажаги янада ёрқин бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Айни дамларда Жиззах шаҳрининг марказий кўчаларини кенгайтириш баробарида коммуникация тармоқларини замонавий андозалар даражасига келтириш, бир-бирини такрорламайдиган меъморий андозадаги замонавий бинолар, ўндан зиёд хиёбон ва истироҳат боғлари, ўн минг томошабинга мўлжалланган улкан спорт мажмуаси қурилиши жадал суръатларда олиб борилаяпти.

Биргина ўтган йили 77 миллиард сўм эвазига 550 та намунавий лойиҳадаги уй қурилиб, 300 километр автомобил йўлларида қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди, 258 километр ичимлик суви тармоқлари, 45 та сув қудуғи ишга туширилиб, 50 километрдан зиёд электр энергияси, табиий газ тармоқлари реконструкция қилинди. Жорий йил мингта намунавий лойиҳа асосида турар жойлар қурилиши билан бирга, ижтимоий инфратузилмага хизмат қилувчи кўплаб объектлар барпо этилмоқда.

«Эски шаҳар» буюм ва деҳқон бозорлари, «Кимёгар» эҳтиёт қисмлари бозори бутунлай янгича қиёфа касб этади. Мустақиллик кўчасида олиб борилаётган кенг кўламли қурилиш ишларини шулар сирасига киритиш мумкин. Мазкур кўчадаги 98 та эски бинодаги савдо нуқталари замонавий кўринишга эга бўлади. Биноларнинг биринчи қавати турли дўкон ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, иккинчи ва учинчи қаватлари қулай турар жойга айлантирилади. Кўчада йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилиб, йўл четига бетон ариқлар ётқизилиши баробарида йўлаклар қурилди, 4,5 километрлик йўл асфалт қилинди.

Жиззах махсус индустриал зонасининг барпо этилиши воҳада саноат салоҳиятини янада ошириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, энг асосийси, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Истиқлолдан нурафшон бўлиб бораётган Жиззах тобора обод масканга айланиб бораётир.

**Абдуманнап АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази «Ўзбекистон: мустақилликнинг 23 йили» мавзусида ижтимоий сўров ўтказди.***
***Унда барча ижтимоий гуруҳ вакиллари, жумладан, ёшлар, пенсионерлар, турли миллат ва элат вакиллари, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси иштирок этди.***
***Тадқиқот шуни кўрсатдики, мамлакатимиз фуқаролари мустақиллигимизнинг 23 йиллигини кўтаринки кайфият, Ватандан ифтихор туйғуси ва келажакка ишонч руҳида кутиб олмоқда. Сўров қатнашчиларининг фикрича, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар фуқароларимиз ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.***

# Ғурурим, ифтихоримсан, Ватан!

Жамоатчилик фикрини ўрганиш давомида олинган натижалар ҳам бундан далолат беради. Фуқароларнинг 87,4 фоизи мамлакатимизда долзарб муаммоларни ҳал этиш учун зарур ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратилганини таъкидлаган. 86 фоиздан зиёди ўзи ва оиласининг ижтимоий мақоми юксалганини қайд этган бўлса, 70 фоиздан ортиғи ўз маълумоти даражасини оширган, ўз бизнесини ташкил этган ё фермер бўлган.

Сўровда жамият ҳаётининг барча соҳаларида фуқароларнинг мамлакатимиз қўлга киритаётган ютуқлардан қониқиш ҳосил қилаётгани кузатилди. Тадқиқот доирасида қатнашчиларнинг 96,4 фоизи иқтисодиётимиз юқори ўсиш суръатлари ривожланиб бораётгани, 94,7 фоизи фуқаролар, аввало, пенсионерлар, болалар, хотин-қизлар ва ногиронлар юқори даражада ижтимоий ҳимояга олингани, 95,9 фоизи инсоннинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш даражаси ўсгани, 95,4 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун зарур шароитлар яратилгани, 91,1 фоизи таълим ва тиббий хизматлардан фойдаланиш самарадорлиги ошгани, 96,9 фоизи аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатилаётгани, 93,6 фоизи инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланаётгани ҳамда ҳимоя қилинаётгани, 92,3 фоизи атроф-муҳит, жумладан, ер, ичимлик сув, ҳаво мусаффолигини ҳимоя қилиш борасида юқори натижаларга эришилаётганини таъкидлади.

Сўров натижалари асосий устувор соҳалар сифатида белгиланган таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш борасидаги ишлар иқтисодиётни янгилаш, демократик ислоҳотларни амалга ошириш ва мамлакатимизни модернизация қилиш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётганидан далолат беради.

Олинган маълумотлар фуқароларимиз хотин-қизларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамиятда мавқеини ошириш, салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни юқори баҳолашини кўрсатди. Сўровда иштирок этганларнинг аксарияти истиқлол йилларида жамиятимизда хотин-қизларга нисбатан ҳурмат ва уларнинг оила, жамият, мамлакат олдидаги шахсий жавобгарлиги ошгани, фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётганини таъкидлади. Атроф-табиий муҳитни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этди.

Сўров натижаларига кўра, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда фуқаролар онги, тафаккури ва ахлоқида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилаётгани аён бўлди. Тадқиқот истиқлол йилларида жамиятимизда шахснинг маънавий хислатлари мамлакатимиз эришаётган улкан ютуқлар ҳамда унинг салоҳияти юксалиб бораётгани, жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонни тан олгани билан ҳамоҳанг равишда юксалиб бораётганини кўрсатди. Жамоатчилик онгида янги авлодни ижтимоий фаоллаштириш жараёнини ифода этадиган янги хусусиятлар пайдо бўлмоқда. Фуқароларимизнинг дунёқараши ва тафаккури ўзгариб, сиёсий, ҳуқуқий маданияти ва фаоллиги юксалиб бораётгани ушбу ютуқларнинг муҳим омилидир.

Мамлакатимизда қарор топган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий барқарорлик, ижтимоий, миллатлараро ва шахсий манфаатлар мувозанати 23 йиллик мустақил иқтисодий ва ижтимоий тараққиётимиз асосини ташкил қилади. Сўров фуқаролар энг асосий ютуғимиз – тинчлик-осойишталик, миллатлар ва фуқароларо тотувликни сақлаш, жамиятимизда дўстлик ва ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, огоҳлик ва ҳушёрликни янада кучайтириш лозимлигини теран англашини кўрсатди. Иштирокчиларнинг 90 фоиздан зиёди мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни мустақиллик йилларида қўлга киритилган энг муҳим ютуқ деб билади.

Мамлакатимиз аҳолиси Президентимиз томонидан юритилаётган яқин ва узоқ хорижий давлатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириш, ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсат, дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган қарама-қаршилик ва зиддиятларни фақат тинч йўл — сиёсий музокаралар орқали ҳал этиш зарурлиги ҳақидаги принципиал позицияни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Мухтасар айтганда, фуқароларимизнинг фикрича, истиқлол йилларида мамлакатимиз юзага келаётган қийинчиликлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий хавф-хатарларни муваффақият билан енгиб, сиёсий модернизация ва иқтисодий тараққиёт йўлидан дадил бормоқда. Ўзбекистон аҳолиси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни ҳар томонлама маъқуллайди, улар ҳаётга изчил татбиқ этилаётганини юқори баҳолайди. Юртимизда тинчлик-барқарорликни сақлаш мамлакатимиз олдида турган вазифаларни ҳал этиш ва мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонади.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎзА шарҳловчиси М.МАМЕТОВА тайёрлади**

***Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори халқимиз томонидан кўтаринкилик билан кутиб олинди. Истиқлол берган имкониятлар, юз берган мислсиз ўзгаришлар ҳақида гапираётганларнинг мамнун чеҳрасига қараб, ўзингни бахтиёр ҳис этасан киши.***

# Бу кунларга етганлар бор...

Нимасини айтасиз, тараққиётнинг ўзига хос ва мос йўли бизни ёруғ манзилларга олиб чиқди. Ҳар соҳада узоқни кўзлаб, режали тарзда амалга оширилган ислоҳотлар халқимиз турмуш фаровонлиги кундан-кунга ошиб боришига хизмат қилмоқда. Истиқлолнинг моҳиятига бугун барча тушуниб етди, деб ўйлайман.

Турли вазифаларда ишладим. Бир замонлар уч чақиримлик кўчага асфалт ётқизиш катта воқеа ҳисобланарди. Бугун ҳар қадамда бир янгиликка дуч келиш мумкин. Бунёдкорлик, яратувчанлик оддий ҳолга айланган. Мисол учун, Самарқанд вилоятида мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами арафасида 52 та умумтаълим мактаби, 18 та касб-ҳунар коллежи, 12 та соғлиқни сақлаш, 17 та болалар спорти объекти фойдаланишга топширилади. Буни одатдагидек қабул қилаяпмиз.

Оҳалик тоғларида олма ўстириш амримаҳол эди. Ҳосил бир йил бўлса, бир йили совуқ уриб кетарди. Янги технология асосида, яъни, интенсив боғлар яратилиши бу ерга ҳам файз олиб кирди. Одамлар иш билан таъминланди, рўзғорига барака кирди. Бугун юртдошларимни ҳеч бир янгилик ҳайратга сололмаётганидан суюнаман. Юртимиз пўлат қушлари дунёнинг барча давлатларига парвоз қилаётир...

Истиқлол йилларида жамоат ташкилоти бўлмиш касаба уюшмаларида хизмат қилдим. Тизимда меҳнаткашлар, уларнинг оила аъзоларига муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратиш борасида изланишлар олиб борилаётир. Хусусан, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда бир онахон билан мулоқотда бўлдим. Ёши саксондан ошган экан. Ўғли ўзи ишлаётган ташкилотдан онаси учун йўлланма олиб, дам олдирибди. Онахоннинг қўли дуодан бўшамайди. Дуодан эса эл кўкаради...

**Садриддин АСЛИДДИНОВ,**
**касаба уюшма фахрийси**

***Баҳодир Қиличев Шеробод туманининг Килкон қишлоғида ўсиб улғайган. Тошкент халқ хўжалиги институтини битириб қайтгач, отаси Маматмурод ака элга ош берди. Ўғлига энди ўз мутахассислиги бўйича иш қидириш ҳақида гап очди. Баҳодир эса: «Менинг ишим тайёр, тадбиркорлик билан шуғулланаман, «Суҳроб, Соҳиб, Сардор» хусусий корхонаси ташкил этганман», деб жавоб қилди.***

# «Гулшан» бўёқлари

Ота-бола маслаҳатни бир жойга қўйиб собиқ У.Туропов номли ширкат хўжалигининг анчадан бери бўш турган уруғлик сақлайдиган омборини сотиб олишди. Баҳодир Тошкентда орттирган тадбиркор дўстлари билан алоқани мустаҳкамлаб, буёқ ишлаб чиқарадиган корхона учун зарур асбоб-ускуналар келтирадиган бўлди. Ёш тадбиркорнинг бизнес лойиҳасига асосан «Алоқа банк»нинг Шеробод филиалидан 250 млн. сўм кредит ажратилди. Ўтган йил сентябрда хусусий корхона цехларида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга киришилди. Қишлоқдаги касб-ҳунар коллежини битирган, қўлида ҳунари бор йигитлардан 15 нафарини ишга қабул қилди. Уларнинг 4 нафари Тошкентдаги лак-бўёқ заводларига юборилиб, маҳорати оширилди. Бугун Акбар Муҳаммадиев, Фарҳод Эшқобилов, Ашур Қиличев, Абдулла Жумаев каби қишлоқ ёшлари буёқ тайёрлаш бўйича моҳир уста.

— Ҳозирда корхонамизда ойига 2-3 тонна бўёқ, сув эмулсияси ва 4 тоннагача шпаклёвка ишлаб чиқариляпти, — дейди ёш тадбиркор Баҳодир Қиличев. — Хомашёнинг асосий қисмини Тошкентдан келтираётганимизга қарамай, маҳсулотларимиз нархи бирмунча арзон. Чунки хомашёнинг бир қисмини Бойсундан олаяпмиз, бўёқ солинадиган тунука қутиларни ўзимиз тайёрлаяпмиз. Сифати етакчи корхоналар маҳсулотидан кам эмас.

Шероботнинг олис қишлоғида барпо этилган бу корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар сифатли бўлгани боис харидори ортиб боряпти. Ўтган 6 ойда корхона цехларида 120 млн. сўмликдан зиёд маҳсулот қишлоқ жойларда намунавий уй-жой бунёд этаётган қурилиш ташкилотларига сотилди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

ЎзА фотомухбири Аскар ЁҚУБОВ олган суратлар

***Замонавий қиёфа касб этиб, хизмат кўрсатиш маданияти юксалган бозорларимиз мустақиллик байрами арафасида янада гавжумлашган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаси улардаги файз ва тўкинликни оширмоқда. Буни жойларда давом этаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркалари мисолида кўриш мумкин.***

# Юрт обод, бозорлар тўкин

«Тошбозорсавдо» уюшмасидан маълум қилишларича, Тошкент шаҳридаги мавжуд бозорлар шаҳар аҳли ва пойтахт меҳмонларига хизмат кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларини шаҳарга арзон нархда келтириш, сотувчи-ю харидорларга кенг қулайлик яратиш мақсадида ҳар бир деҳқон бозори ҳудудида савдо ярмаркалари ташкил этилди.

Пойтахтимиздаги «Қўйлиқ деҳқон бозори»да Наманган вилояти фермер хўжаликлари вакиллари йигирмадан ортиқ турдаги мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари савдосини йўлга қўйган.

Наманган вилояти фермерлари жорий йилда пойтахтликлар дастурхонига қарийб икки минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришни режалаштирган. Шу кунгача 100 тоннага яқин пиёз, картошка, қовун-тарвуз, олма, шафтоли, узум ҳамда гўшт аҳоли томонидан харид қилинди.

— Хўжалигимизда етиштирилган маҳсулотлар пойтахтлик харидорларга манзур бўлаётганидан хурсандмиз, — дейди Наманган туманидаги «Аҳадхон Инобатхон Воҳиджон» фермер хўжалиги раҳбари Воситхон Абдуллаев. — Интенсив боғимиздаги олмадан мўл ҳосил олдик. Чорвачиликдан ҳам яхши даромад кўраётирмиз. Меҳнатимиз туфайли етиштирилган маҳсулотларимизни ҳамюртларимизнинг байрам дастурхонига тутҳфа қилишдан мамнунмиз.

— Бозорларимиздаги тўкин-сочинликдан кўз қувнайди, — дейди Санамхон Саидабророва. — Айниқса, байрамлар арафасидаги савдо ярмаркалари аҳолига янада кенг қулайлик яратаётир. Уларда сотилаётган шафтоли, олма, тилни ёрар узум ғоят мазали. Маҳсулотлар сифатли, нархи эса анча арзон. Ҳар куни бу ерга келиб янги узилган мева, қовун-тарвуз харид қиламиз.

Албатта, бундай фаровонлик ва мўл-кўлчилик ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Бунинг замирида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида узоқни кўзлаб, халқ манфаати ва юрт истиқболи йўлида амалга оширилаётган изчил ва босқичма-босқич ислоҳотлар, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, заҳматли меҳнати, азму шижоати мужассамдир.

Ўзбекистон буғдой, ун, мева-сабзавот, қуруқ мевалар, узум, полиз маҳсулотлари каби ўта зарур озиқ-овқат товарлари билан ўз эҳтиёжини тўлиқ таъминламоқда. Аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотлари, гуруч, картошка, сабзи, пиёзга бўлган талаби ўзимизда етиштирилган ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобидан қопланмоқда. Йилнинг барча фаслида бирдек тўкин-сочинлик ана шу саъй-ҳаракатларнинг самарасидир.

— Бозорларимизда бу йил ноз-неъмат ҳар қачонгидан сероб, баҳоси ҳам арзон, — дейди Нилуфар Қосимова. — Пишиқчилик даврида бевосита даладан олиб келинаётган маҳсулотларнинг энг сарасини танлаб олганга нима етсин. Буларнинг барчаси оилалар мустаҳкамлигига, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада зиёда бўлишига хизмат қилади.

Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз айёми — Ватанимиз мустақилигининг 23 йиллиги байрами арафасида аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган савдо ярмаркалари пойтахтимиз бозорлари ва туман марказларидаги савдо расталарида жорий йилнинг 5 сентябрига қадар давом этади.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

***Қишлоғимизга туташ тақир ялангликда замонавий уйлар қурила бошланганда, бундай кўркам гузар бунёд бўлишини тасаввур қилмагандик. Қарангки, энди бу жойлар жаннатмонанд масканга айланди. Бошқаларга ҳавас қилиб, қурилаётган уйлардан бирини олишга жазм этдик. Мустақиллик байрамини янги ҳовлида нишонлаш ниятидамиз.***

# Мамнуният

Ота-бобом касби — чўпонликни давом эттириб, кам бўлмадим. Бир пайтлар ўроқ, кетмон, паншаха кўтариб, бутун оиламиз аъзолари билан дағал хашак йиғиш пайида бўлардик. Қўй-қўзиларни қишдан талофатсиз олиб чиқиш ташвиши асло тарк этмасди. Ҳозир буни тасаввур қилиш қийин.

«Ғазғон» наслчилик ширкат хўжалиги тасарруфида 32 та отар бўлиб, уларда зарур шарт-шароитлар яратилган. Хўжалик раиси Истам Исмоилов ишчи гуруҳ аъзолари билан келиб, муаммоларимизни шу ернинг ўзида ҳал қиляпти. Даромадларимиз чакки эмас. Ҳар биримизда юк ташийдиган, дағал хашак ўриб, пресслайдиган махсус техникалар бор.

Истиқлол туфайли меҳнатимиз муносиб қадр топди. 1996 йилда «Шуҳрат» медали билан тақдирлангандим. Орадан кўп ўтмай, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» унвонига сазовор бўлдим. Бундай юксак эътирофга муносиб кўрилганимдан чексиз ғурурланаман.

**Ғаффор ОБИДОВ,**
**Нурота туманидаги «Ғазғон» наслчилик ширкат хўжалиги чўпони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор**

Касаба уюшмалари:
# ФАОЛИЯТГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ishonch
2014-yil 23-avgust № 102-103 (3452)

## Минтақавий семинар

***Яқинда Шаҳрисабздаги Беруний номли болалар оромгоҳида Ўзбекистон нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё, Самарқанд ва Навоий вилоятлари ҳудудидаги тармоқ корхоналари иш берувчилари ва касаба уюшма қўмитаси раислари ҳамда фаоллари учун минтақавий ўқув-семинар ташкил этилди.***

# Ҳам назарий, ҳам амалий

Унда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Ғафуржон Ҳамидов сўзга чиқиб, иш берувчилар билан ижтимоий шериклик самарадорлигини кучайтиришда касаба уюшма ташкилотлари етакчиларининг асосий вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

Нотиқ слайдлар орқали касабақўм етакчиларига ички меъёрий ҳужжатларга киритилиши лозим бўлган таклифлар, жамоа шартномаларини тузиш тартиби, асосий принциплари ва унинг мазмунини ташкил этувчи масалалар, меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизими каби долзарб мавзуларда тўхталди. Шунингдек, корхоналар фаолияти натижалари ва мавжуд молиявий имкониятдан келиб чиққан ҳолда жамоа шартномаларига ўзгартиришлар киритиш тартиби бўйича тавсиялар берди.

Ўз навбатида, сўзга чиққан тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича бош мутахассиси Шуҳрат Алимов ушбу йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳақида таҳлил ва тавсиялари билан ўртоқлашди.

Тармоқ Республика кенгаши бош ҳисобчиси Зарофат Ибрагимова касаба уюшма ташкилотларида молиявий фаолиятни ташкил қилиш ва касаба уюшма маблағининг мақсадли сарфланишига оид айрим жиҳатларга тўхталди. Тармоқ Республика кенгаши бош юристконсулти Улуғбек Газиев эса меҳнаткашларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ходимларни ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича назарий машғулот ўтди.

Куннинг иккинчи ярмида жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертиза қилиш машғулотларидан сўнг касаба уюшма етакчилари ва иш берувчилар вакиллари тест синови орқали ўз малакаларини билиб олишди. Семинар якунида «Энг масъул раҳбар» ва «Энг фаол етакчи» каби қатор номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.

— Семинар жуда фойдали бўлди, — деди «Марказгазтаъминот» унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Сафарали Азизов. — Тинглаган маърузаларимиз кўп масалаларга ойдинлик киритди. Шунингдек, вилоятлардаги тармоқ тизимида бўлган болалар оромгоҳларига турли спорт жиҳозлари тарқатилди. Бизнинг корхонамизга «Оромгоҳларда ишни яхши ташкил этгани учун» номинацияси ғолиблиги берилди.

— Семинарда қўшни вилоятлардан келган ҳамкасбларимиз билан фикрлашдик, тажриба алмашдик, касабақўм етакчиси ва иш берувчи олдида турган энг устувор вазифалар ҳақида кенг тушунчага эга бўлдик, — деди тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги масъул ташкилотчиси Фозил Турсунов. — Бошланғич ташкилотлар фаоллигини, тизимдаги ислоҳотлар самарадорлигини оширишда бу каби ўқувларнинг ўрни муҳим.

Ўқув-семинарда Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов қатнашди.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Шукрона

***Мустақиллигимизнинг 23 йиллик тўйини меҳнат зафарлари билан кутиб олаётган «GM-Ўзбекистон» ЁАЖ қўшма корхонасида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида Истиқлолимизнинг 23 йиллиги ҳамда компания ташкил топганининг 18 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

# АВТОМОБИЛСОЗЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Байрам дастурхонига корхонада меҳнат қилаётган илғор ишчилар ва ёшлардан иборат 1500 киши таклиф этилиб, улар корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан муносиб тақдирланди.

— Байрам муносабати билан маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан 350 нафар ишчи-ходимга эсдалик совғалари топширилди, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Мирфозил Олимов. — Рағбат иштиёқ уйғотади, деганларидек, ушбу тадбир ходимларимизга байрамона кайфият улашди.

Тадбирда корхона иш бошқарувчиси В.Мирзаев, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳ.Қосимов, сифат бошқармаси бригадири Н.Сирожев самимий тилаклар билдиришди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Ширин Маматова, «Ягонасан, муқаддас Ватан» танлови ғолиби Ихлосбек Жўраев ҳамда «Мерос» гуруҳи хонандалари ижросидаги дилтортар қўшиқлар барчага манзур бўлди.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан Тошлоқ туманида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида тадбир ташкил этилди. Туман маркази эрталабдан байрамона шукуҳ касб этди.***

# КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТ

Ўзбекона ясатилган ўнлаб сўрилардан жой олган 50 га яқин нуроний отахонлар мустақиллигимизнинг мусаффо тонгларини кўриш насиб этгани учун Яратганга беадад шукроналар айтишди.

— Юртбошимизга минг бор ташаккур. Биз кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, ҳурмат-эътибор учун беҳад миннатдормиз. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, дастурхонимиз тўкин бўлсин, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси, 93 ёшли Одилжон ота Зокиров.

Савдо ярмаркаси, болалар учун аттракцион ўйинлар, ҳунармандчилик маҳсулотлари, миллий либослар, миллий таомлар кўргазмаси, спорт мусобақалари, дорбозлар чиқиши байрамга файз киритди.

Вилоят ҳокими ўринбосари Қамариддин Имомов, туман ҳокими Ҳалимжон Умаров, «Нуроний» жамғармаси туман бўлинмаси раиси Ўрмонжон Каримов тадбир қатнашчиларини мустақиллигимизнинг 23 йиллиги шодиёнаси билан самимий мубораклаб этди.

Санъаткорларнинг куй-қўшиқлари шодиёнага кўтаринкилик бағишлади. Отахону онахонлар, йигит-қизлар яйраб рақсга тушди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

# БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА

## ЭЗГУ ИШЛАР КАМОЛИДА БАХТИМИЗ

***(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).***

Жорий йилда бошланғич ташкилотлар нуфузи ҳамда салоҳиятини ошириш мақсадида пойтахтимизнинг ҳар бир туманида бошланғич ташкилотлар етакчилари ҳамда фаоллари иштирокида туркум семинарлар ўтказилди. Бирлашма ҳамда туман кенгашлари ҳамкорлигида мазкур масалага бағишланган 100 дан зиёд давра суҳбати, намунали бошланғич касаба уюшма ташкилотлари қошида семинар ва учрашувлар ўтказилди.

«Энг фаол ёш мутахассис», «Ўз касбининг моҳир эгалари» кўрик-танловлари кўтаринки руҳда ташкил этилди. Бошланғич ташкилотлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш йўлга қўйилиб, Сирдарё ҳамда Тошкент вилоятининг бошланғич ташкилотлар етакчилари фаолияти намунали йўлга қўйилган «Пахтасаноат» илмий маркази, Амир Темур тарихи Давлат музейи, Тошкент давлат техника университети, «Ўрикзор бозори» бирлашган касаба уюшма ташкилотларида бўлиб, уларнинг илғор иш тажрибалари билан ўртоқлашди.

— Жорий йилнинг Соғлом бола йили деб эълон қилиниши зиммамизга кўпдан-кўп вазифаларни юклади, — дейди бирлашма кенгаши раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Баҳодир Дадабоев. — Дастур доирасида йилнинг ярим йили давомида «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасидаги тадбирларни амалга оширишга катта эътибор қаратилди. Шу жумладан, ЎзКУФК Ёшлар кенгаши билан ҳамкорликда 1-сонли «Мурувват» уйида бадиий ҳаваскорлик жамоалари томонидан маданий тадбир уюштирилди. Тошкент шаҳридаги 2-сонли болалар «Мурувват» уйига ЎзКУФК томонидан компютер ва қимматбаҳо совғалар, тарбияланувчиларнинг 20 нафарига «Қуёшли» оромгоҳига бепул йўлланмалар ва бирлашма кенгашининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Меҳнаткашларга кўнгилдагидек иш шароити яратиш ҳамда уларнинг меҳнатларини муҳофазалаш борасида ҳам муайян ишлар бажариляпти. Авваламбор, корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда меҳнат шароитини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар олдини олишга қаратилган тадбирларнинг жамоа шартномасига киритилишига жиддий аҳамият бериляпти. Корхоналарда жамоатчилик асосида сайланган вакилларнинг ўқув машғулотлари ўтказилмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқаришда шикастланиш олган ходимларга тўловлар, нафақаларнинг вақтида амалга оширилиши таъминланяпти.

Маданий-маърифий соҳадаги фаолият ҳам эътиборга молик. Жумладан, уч юз нафардан зиёд ишчи-хизматчиларнинг пойтахтимиздаги театрларга, уч минг нафардан зиёд талаба-ёшларнинг Бадиий Академияга қарашли кўргазмаларга, музейларга таширифи уюштирилди. Шу билан бирга, тармоқларнинг масъул ташкилотлари, касаба уюшмалари туман кенгашлари, бирлашган ҳамда бошланғич ташкилотлар томонидан 2702 та корхона, ташкилот ҳамда муассасада «Маънавият соатлари» ўтказилиб, 280 минг 771 нафар кишининг иштироки таъминланди.

Давр зиммамизга янгиданянги талабларни қўймоқда. Зеро, касаба уюшмаларининг устувор йўналишларида белгилаб қўйилган вазифаларни тезкор ҳамда тўлақонли амалга ошириш борасида кўп ишлар амалга оширилиши зарур. Бу эса ташаббускорлик билан фаолият кўрсатишни тақозо этади.

**Ўз мухбиримиз**

## ТОШКЕНТ
### Сўз — ёшларга

***Беш йилдирки, «Ўзкабел» АЖ қўшма корхонасида Ёшлар кенгаши фаолият кўрсатаётир. У ўз атрофига 700 нафардан ортиқ йигит – қизни бирлаштирган бўлиб, анъанавий ижтимоий сўров натижаларига кўра мавжуд муаммолар ҳақида раҳбариятга тегишли таклиф ва тавсиялар бериб келмоқда.***

## УМИД ВА ИШОНЧ ҲИССИ

Бошланғич касаба уюшма ташкилоти, маънавият-тарғибот маркази, хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилаётган турли мавзудаги тадбирларимиз ҳам жамоада катта қизиқиш уйғотмоқда. Жумладан, «Балли, йигитлар», «Балли, қизлар» кўрик-танловлари, «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» фестивали ана шулар сирасидан. Фестивал доирасида ўтказилган спорт беллашувлари барчага хуш ёқди. Ғолибларга раҳбарият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек, хотин-қизлар ўртасида спартакиада уюштирилди.

Ёшларни огоҳликка даъват этувчи «Биз чекишга қаршимиз» акцияси тенгдошларимиз томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинди. Муҳими, ҳар бир ёш ижтимоий фаол инсонлар сифатида камол топиш, аввало, ҳар кимнинг ўз саъй-ҳаракатига боғлиқ эканини англаб етмоқда.

**Зиёдилла КАМОЛОВ,**
**«Ўзкабел» АЖ ҚК Ёшлар кенгаши раиси**

## Нодавлат секторда

***Юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, улкан бунёдкорлигу янгиланишларга гувоҳ бўласиз. Юртдошларимизнинг тилида шукрона, кўнглида хотиржамлик.***

# АЪЗОЛИКДА АФЗАЛЛИК БОР

Шу инсонларнинг бири сифатида тинч, осуда кунларимизни алқаб, катта жамоада ҳам оиламга, ҳам жамиятга наф келтириш мақсадида меҳнат қилаяпман. Мен ишлаётган ташкилот «ASIAN DIAMOND CLASSIC» масъулияти чекланган жамияти бўлиб, бу корхонада «Зелёный чай», «Био Тайм», «Диамонд», «Наврўз», «Ну погади» каби бир неча турдаги кир ювиш кукунлари ишлаб чиқарилади. Маҳсулотларимиз ички бозорни тўла эгаллаган десам, муболаға эмас. МЧЖда, шунингдек, чистол, гел каби тозалаш воситаларини ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам амалга оширилмоқда. Лойиҳа татбиқ этилгач, яна қўшимча 10 та иш ўрни очилади.

Яқинда корхона халқаро сифат сертификатига эга бўлди. Натижада, маҳсулотларни жаҳон бозорларига чиқариш имкони яратилди. Корхонамиз иш бошлаганига 4 йилдан ошган бўлса, иккинчи йилиёқ жонкуяр инсон Аваз Тўраев саъй-ҳаракати ҳамда раҳбариятнинг қўллаб-қувватлаши натижасида касаба уюшма қўмитаси тузилди. Сир эмас, аввалига касаба уюшмаси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмасдик. Бироқ кейинчалик ушбу ташкилот айнан меҳнаткашларнинг ҳимоячиси эканини англадик.

Айни пайтда касаба уюшма ташкилоти корхонада бўладиган хайрли ишларда бош-қош. Маъмурият билан тузилган жамоа шартномасида хотин-қизлар ва ёшлар учун алоҳида бандлар киритилган. Унга мувофиқ, тегишли имтиёзлардан унумли фойдаланяпмиз. Мисол учун, яқинда касаба уюшма қўмитаси кўмаги билан Наманган вилоятидаги «Чотқол» санаторийсида дам олиб, саломатлигимни тикладим. Санаторийда дам олувчиларга яратилган шароитни кўриб, бизда ҳам чет эл андозаларига мос тиббий хизмат йўлга қўйилганидан қалбим ғурурга тўлди. Муҳими, яйраб ҳордиқ чиқариб, ишга қайтдим. Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, ҳар йили 4-5 нафар ходим юртимиздаги «Зомин», «Бўстон», «Чотқол» санаторийларида саломатлигини тиклаш имконига эга. Бундан ташқари, ёзги таътилда корхона ходимларининг 30 нафар фарзанди «Сўғдиёна-Сойлиқ», «Сокол», «Семурғ» оромгоҳларида бепул дам олдирилди.

Ишчиларга муносиб меҳнат шароитини яратишга доир чора-тадбирлар самараси ўлароқ, касаба уюшма қўмитаси 2012 йилда «Меҳнат муҳофазаси ишларини яхши ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» кўрик-танловининг шаҳар босқичида 2-ўринни эгаллаган. Шунингдек, ўтган йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида шаҳар миқёсида ҳам иккинчи ўрин насиб этди.

Истаймизки, меҳнаткашларнинг таянчига айланган касаба уюшма ташкилоти етакчиларига бундан кейин ҳам хайрли ишларда куч-қувват ва юксак муваффақият ёр бўлсин.

**Севара МАЛИКОВА,**
**«ASIAN DIAMOND CLASSIC» МЧЖ қадоқлаш цехи ишчиси**

## Ижтимоий шериклик

***Касаба уюшмалари тизимидаги такомиллашув жараёни соҳада меҳнат қилаётган ҳар бир мутахассисдан янада масъулиятли бўлишни тақозо этмоқда. Бугун ҳаммамиз кўриб турибмизки, иш берувчи ва касаба уюшма ташкилотининг ижтимоий шериклиқдаги фаолияти самараси кўп жиҳатдан етакчининг жонкуярлиги, ташаббускорлиги, жамоа фикрини маъмуриятга тўғри етказа олишига боғлиқ. Иш берувчи эканлигим ва айни пайтда Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Миробод тумани кенгаши раиси вазифасида фаолият юритганим боис ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш масалаларини яхши англайман. Муассасамизда касабақўм билан ижтимоий шериклик талабларига мувофиқ жамоа шартномаси тасдиқланган бўлиб, унда ишчи-ходимларнинг меҳнат қилиши учун қулай муҳит яратиш, уларни соғломлаштириш ва дам олдириш билан боғлиқ барча имтиёзлар қамраб олинган.***

# РАҒБАТНИНГ ЙЎЛИ КЎП

Меҳнат кодексининг 214-моддасига асосан, муассасада соғлиқни сақлаш идоралари томонидан белгиланган тартибга кўра, ходимларни дастлабки ва кейинчалик даврий тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари ташкил этилган. Сабаб, соғлом инсонгина фойдали меҳнатга лаёқатли бўлади.

Жамоа шартномасининг 8-бобида Меҳнатни муҳофоза қилиш ишлари қайд этилган. Муассасада ички меҳнат тартиб-қоидалари ишлаб чиқилган ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жавобгар шахс тайинланган бўлиб, ҳар бир ходим, аввало, тартиб билан таништирилади. Меҳнат муҳофазаси хонаси хавфсизлик техникасини тарғибот қилувчи техник воситалар, кўргазмали қуроллар, стенд ва плакатлар билан жиҳозланган. Поликлиникамизда меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш бўйича 2014 йил учун 11 банддан иборат чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган 3 йилда бахтсиз ҳодисалар қайд қилинмади.

Ходимлар учун алоҳида дам олиш ва кийим алмаштириш хоналари ташкил этилган. Ноқулай меҳнат шароитида банд ходимларга сут маҳсулотлари тарқатилади. «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги қонунга асосан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий «Кафолат» суғурта компанияси билан шартнома тузилган. Жорий йилда иш жойлари аттестациядан ўтказилиб, экспертиза хулосалари олинди.

Биз учун бош мезон — жамоа шартномаси. Унга биноан ходимларни рағбатлантириш, уларда меҳнатга иштиёқни ошириш йўлида зарур бўлган барча чора-тадбирларни кўряпмиз. Истаймизки, ҳар бир ходим иш жойини ўз уйи деб билсин.

**Шуҳрат ҚУРБОНОВ,**
**Миробод тумани 7-сонли болалар стоматология поликлиникаси бош шифокори**

## Намунали туман кенгашида

***Ташкилий ва молиявий жиҳатдан кучли касаба уюшма ташкилотини барпо этиш, шу асосда тадбиркорлар ва меҳнаткашлар манфаати ҳимоясини кучайтириш мақсадида тизимнинг такомиллаштирилганлиги бугун ўз самарасини бермоқда.***

# ЭЛ КОРИГА ЯРАЙЛИК!

Жумладан, туман касаба уюшма кенгашлари бирлашган ҳолда фаолият юритишга ўтди. 2013-2014 йилларда касаба уюшма фаолиятига янгича ёндашган ҳолда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, энг оммавий жамоат ташкилотининг юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигидаги иштироки ва фаоллигини ошириш, ишчи-хизматчилар ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунга келиб, туман касаба уюшма кенгашимиз ҳисобида 207 та корхона бўлиб, 4126 нафар ишчи-хизматчи аъзоликка олинган. Муҳими, белгиланган ёки марказлашган тарзда тартибга солиб келинган масалаларни ҳар бир жамоада ўз хусусиятидан келиб чиқиб, ҳал қилиш имкони юзага келди. Туман кенгаши бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият юритиб келмоқда.

Бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Яъни, янги ташкил этилаётган ташкилотлар, айниқса, хусусий корхоналарда меҳнат қилаётган тадбиркорлар касаба уюшмалари тўғрисида етарлича тасаввурга эга эмас. Шу боис тармоқ Республика кенгаши ва шаҳар бирлашмалари ходимлари иштирокида ўқув-семинар ўтказдик. Мазкур семинарларда мутахассислар касаба уюшма афзалликлари тўғрисида батафсил сўзлаб беришди. Семинардан сўнг 4 та корхона касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

Дарвоқе, ҳар бир меҳнаткаш ўзига кўрсатилаётган ғамхўрликни ҳис қилса, турли имтиёзлардан баҳраманд бўлса, ғайрат билан ишлайди. Томонларнинг манфаатларини уйғунлаштиришга шароит яратилса, жамоадаги муҳит яхшиланади, ишчан кайфият юзага келади.

**Шоира ШАМШИЕВА,**
**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Сергели туман кенгаши раиси**

Ishonch
2014-yil 23-avgust № 102-103 (3452)



# АЗИЗДИР ИНСОН!

## ШАҲРИ

### Бошланғичда нима гап?

***Корхонамизда қишлоқ хўжалиги ва саноат учун зарур бўлган насос ва насос агрегатлари, эҳтиёт қисмлари, бошқарув шкафи, қувурлар, метал қурилмалари ишлаб чиқарилади ҳамда таъмирланади.***

## САМИМИЙЛИК ҲИКМАТИ

Маҳсулотлар сифатли, харидоргирлиги боис талаб кундан-кунга ортиши баробарида Марказий Осиё давлатларига экспорт ҳам йўлга қўйилган. 1999 йил Женева шаҳрида ўтказилган XXIV халқаро конвенцияда «Олтин юлдуз», 2001 йил Париж шаҳрида ўтган XVIII халқаро конвенцияда «Платина юлдузи» каби сифат белгилари тақдим этилгани ҳам бежиз эмас. Айни пайтда жамоада 327 ходим меҳнат қилади. Иш берувчи ва вакиллик органи ўртасида тузилган жамоа шартномасида ишчиларнинг соғлиги, моддий ва маънавий манфаатлари, меҳнат муҳофазаси каби барча ҳуқуқлар тўла қамраб олинишига эришилди. Шунингдек, ишловчи хотин-қизларнинг меҳнатини енгиллаштириш бўйича шартномага махсус бандлар киритилиб, улар бажарадиган ишлар тегишли талаблар асосида текширувдан ўтказилган. Фарзанди биринчи бор мактабга бораётган аёлга бир кунлик иш ҳақи сақланган таътил бериш, узоқ сафарга юбормаслик, оғир ишга жалб қилмаслик, аризасига кўра қисқартирилган иш кунлари жорий қилиш каби имтиёзлар мавжуд.

Меҳнаткашларга муносиб иш шароити яратиш доимий эътиборимизда. ОАЖга қарашли барча иншоот тўлиқ таъмирланиб, хоналар ёруғ ва шинам ҳолатга келтирилган. Ноқулай иш шароитида ишлайдиган 56 нафар ходимга корхона ҳисобидан тариф стафкасининг 8, 12 фоизи миқдорида компенсация тўлаб борилади. Бундан ташқари, ходимлар махсус иш қуроллари, техник воситалар, кийимкечаклар билан таъминланган. Ходимларни йилда бир марта тиббий кўрикдан ўтказиш анъанага айланган. Кўрик натижасига кўра, айрим ходимларга соғлигини тиклаш учун моддий ёрдам ажратамиз.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, дейишади. Шуни инобатга олиб, жорий йилда ходимлар учун дам олиш уйларига 15 млн. 560 минг сўмлик йўлланмалар ажратилди. Шунингдек, 100 нафар ходимнинг Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳатини ташкил этдик. Маъмурият билан биргаликда ходимларнинг оғзаки ёки ёзма мурожаатларини қисқа фурсатда, иложи борича ижобий ҳал қилишга ҳаракат қиляпмиз.

Аъзолар билан самимийлик, холислик асосига қурилган муносабатлар касаба уюшма қўмитасига бўлган ишончни янада оширмоқда.

**Бизак СОДИҚОВ,**
**«SUVMASH» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси**

## Соғлом бола йили

***Болалар — кўз қароғимиз, қувончимиз. Уларнинг шодлигини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Жорий йилнинг Соғлом бола йили деб номланиши ёш авлод камолоти ва саломатлиги йўлида қилинаётган ишларни яна бир поғона кўтарди.***

## ШОДЛИК ДУНЁСИ

Жамоамизда 1395 нафар ходим бўлиб, фаолиятимиз йўналиши асосан Тошкент шаҳри аҳолисига почта хизматини кўрсатишдир. Касаба уюшма қўмитасига юклатилган вазифаларни бажариш асосида ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ва дам олдириш масаласига ҳам масъулият билан ёндашилмоқда. Ёзги мавсумда ходимларнинг 222 нафар фарзанди «Алоқачи», «Конструктор», «Ғунча» ҳамда кундузги оромгоҳларда бепул соғломлаштирилди.

Бундан ташқари, «Соғлом она — соғлом бола» оилавий спартакиадаси, шахмат-шашка, стол тенниси бўйича мусобақалар уюштирилди. Шунингдек, ходимлар фарзандлари иштирокида «Болалар кўзида дунё» шоири остида «Санъат ғунчалари» кўрик-танлови ўтказилди. Унда 60 дан ортиқ бола қатнашиб, рубоб, дутор, доира, гитара асбобларида куй ижро этиб, рақс, ашула, шеър йўналишларида ўз маҳоратини кўрсатишди. Иштирокчи ва ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

«Билимлар салтанатига қўйган қадамингиз қутлуғ бўлсин» деб номланган тадбир ҳам барчага манзур бўлди. Алишер Навоий номидаги Миллий истироҳат боғида ташкил этилган байрам тадбирига ишчи-ходимларнинг 1-синфга борадиган 82 нафар фарзанди таклиф этилди. Уларга ўқув қуролларидан таркиб топган совғалар берилиб, концерт уюштирилди. Шу куни болажонлар аттракционларда учиб, мириқиб ҳордиқ чиқаришди.

**Тамара МУҲАМЕДЖОНОВА,**
**«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ**
**«Тошкент Почтамти» филиали касаба уюшма қўмитаси раиси**

## Меҳнат муҳофазаси

***Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими ўзига хос эксперимент ўтказди. Натижада, жорий йил 1 январ ҳолатига кўра касб касалликларига чалинган 1947 нафар фуқародан 1035 нафаригина белгиланган имтиёзлардан тўғри фойдаланиб келаётганлиги аниқланди. Дарҳақиқат, айрим фуқаролар ҳукуматимиз томонидан яратилган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланмаяпти, баъзилари эса булар ҳақида етарли маълумотга эга эмас.***

## ИМТИЁЗ БОР, ИХТИЁР СИЗДА

Шу боис тегишли ташкилотлар ходимлари билан ҳамкорликда мониторинг ишлари олиб борилди. Унда касб касаллигига учраган фуқаролар ҳам қатнашиб, ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича етарлича маълумотга эга бўлдилар. Жумладан, даволаниш учун бериладиган йўлланмалар соддалаштирилгани, даволаш масканидаги яратилган қулайликлар, бундан ташқари, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси томонидан тўланаётган тўловлар ўз вақтида ва тўла ҳажмда бериб борилиши юзасидан жамғарма ходимлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил тушунча берилди. Мониторинг ишлари давомида ҳар бир туманга 200 дан ортиқ йўлланмалар ҳамда оилавий поликлиника вакилларига юқоридаги «тавсиялар»нинг электрон вариантлари тарқатилди.

Ўтган йил якунлари бўйича пойтахтимизда 1947 нафар бемор касб касалликлари билан диспансер назоратида бўлиб келмоқда. Уларнинг 494 нафарини аёллар ташкил этади. Пойтахтимизда касб касалликларига эга беморларнинг 14,3 фоизи ҳар йили тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан экспертизадан ўтказилиб, ногиронлиқ гуруҳи ва касби бўйича меҳнатга лаёқатсизлиги даражаси (фоизи) белгилаб келинмоқда. Беморларнииг 87,3 фоизига ногиронлик гуруҳи ва касби бўйича меҳнатга лаёқатсизлик даражаси муддатсиз белгиланган.

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария, гигиена ва касб касаллиги илмий текшириш институти билан келишилган ҳолда ушбу шифохонада рўйхатда турган фуқаролардан ташқари, хавфли ва зарарли меҳнат шароитида меҳнат қилаётган 841 нафар ходимдан 500 нафарининг жорий йил давомида бепул даволаниши ҳақида ҳам келишиб олинди.

**Равшан МАҲМАДАЛИЕВ,**
**шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири**



ЎзА суратлари

## Осойишталик посбонлари

***Тошкент шаҳар ИИББ бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан фаолиятни такомиллаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, тизимдаги тармоқ ва тузилма ташкилотларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш тўғрисида қабул қилинган меъёрий ҳужжат ва йўриқномаларда акс эттирилган талаблар ижросини таъминлаш, ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, самарали меҳнат фаолиятини рағбатлантириш ҳамда ижрочилик интизомини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилаётир. Ўз навбатида, бошланғич ташкилотлар иш фаолиятини самарали олиб бориш, жойларда меҳнат муносабатларини бир маромда ташкил этиш ва меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқ-манфаатларини муҳофаза қилишга доир тадбирларнинг аҳамияти беқиёс бўлаётир.***

## КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАР

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида касаба уюшма қўмитасининг розилигисиз, иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинишига йўл қўйилмади.

Ҳар ойнинг иккинчи сешанбаси «Маънавият куни» деб эълон қилинган бўлиб, бошланғич ташкилотларда маънавий-маърифий тадбирлар, «Маънавият соатлари» билан бирга турли семинарлар ҳам ташкил этилади. Уларда иш юритиш ва молия-хўжалик фаолиятини режалаштириш асослари, касаба уюшмасига аъзолик афзалликларига оид тушунтиришлар берилади.

Бошланғич ташкилотларда турли сана ва байрамлар ўзига хос нишонланиб, хизмат билан боғлиқ ҳолатларда ҳалоқ бўлган ходимлар оилалари, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинади. Шунингдек, тизимда меҳнат қилаётган фидойи ходимлар рағбатлантирилиб, ёшларга ибрат кўрсатилади.

Аъзолар соғлигини тиклаш ҳамда дам олишини ташкиллаштириш мақсадида ходимларга «Чимён» санаторийсига 2 та, «Умид гулшани» санаторийсига 1 та, «Сокол» дам олиш уйига жамоа тарзида ҳордиқ чиқариш учун 4 та йўлланма берилди.

Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънан етук этиб тарбиялаш мақсадида аъзоларнинг 119 нафар фарзандига «Оқтош», «Фазогир-Гагарин», «Сокол», «Конструктор» оромгоҳларида дам олиши учун имтиёзли йўлланмалар тақдим этилди. Шунингдек, Соғлом бола йили муносабати билан эҳтиёжманд ходимларнинг 16 нафар фарзанди бепул дам олдирилди.

Шу билан бирга, ёзги таътилда аъзолар фарзандларига Ғофур Ғулом номли маданият ва истироҳат боғлари раҳбарияти билан тузилган шартномага асосан, аттракцион ўйинлар учун 800 та чипталар бепул тарқатилди.

**М.ЯКУБОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**

*— Тошкент — Ўзбекистон Республикаси пойтахти, Марказий Осиёнинг йирик саноат-транспорт чорраҳасидаги муҳим иқтисодий мегаполис. Шаҳар мамлакатнинг шарқий қисмида жойлашган бўлиб, 334,4 квадрат километр майдонни эгаллайди. Тошкент — Ўзбекистон Республикасининг маъмурий, сиёсий, иқтисодий ва маданий марказидир.*

## Қисқа сатрларда

***

**— Маъмурий жиҳатдан Тошкент 11 туманга бўлинади: Бектемир, Миробод, Мирзо Улуғбек, Сирғали, Олмазор, Учтепа, Яккасарой, Шайхонтоҳур, Ҳамза, Чилонзор, Юнусобод.**

***

*— Пойтахтда 145 дан зиёд йирик саноат корхонаси мавжуд бўлиб, деярли барча индустриал соҳаларда юксак натижаларга эришилмоқда.*

***

**— Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш (27,8 фоиз), саноат (17,1 фоиз), қурилиш (9,2 фоиз) ва бошқа соҳалар ҳиссасига тўғри келади.**

***

*— Пойтахтимизда «Тошкент механика заводи», «Тошкент трактор заводи», «O'zkabel» ОАЖ, «Toshkent truba zavodi» АЖ, «VAT» АК ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари томонидан темирйўл вагонлари, тракторлар, ҳар хил қишлоқ хўжалик техникаси, асбоб-ускуналар, тиббиёт ва электрон ускуналари ва бошқа кўплаб бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти.*

## Матбуот анжумани

***Мустақилликка эришилгач, иқтисодиётда енгил саноатнинг аҳамияти ортиб, етиштирилаётган пахта толасининг мамлакатда қайта ишланадиган ҳажми 1991 йилдаги 7 фоиздан 2014 йили 44 фоизга қадар ортди. 1,8 млрд. долларлик чет эл инвестициялари жалб этилиб, 150 дан ортиқ йирик лойиҳалар амалга оширилди. Бугунги кунда енгил саноат тармоғи корхоналарида 60 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Охирги 2 йилда умумий қиймати 330,4 млн. долларга тенг, экспорт салоҳияти 215,8 млн. долларлик, 11 мингта янги иш ўринларига эга 64 та саноат корхонаси ишга туширилди.***

## ЙИРИК ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР

«Бухоротекс» ОАЖ негизида лойиҳа қиймати 52,5 млн. долларлик, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 16 минг тонна ип калава ишлаб чиқарадиган «ДЭУ-Бухаратекс», Қўқон шаҳридаги тўқимачилик комбинати негизида лойиҳа қиймати 55 млн. долларга тенг, йилига 15 минг тонна калава ип ишлаб чиқарувчи «Индорама-Коканд текстил», собиқ «Ўзбектекстилмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида Швейцариянинг «Машиненфабрик Ритер АГ» компанияси билан ҳамкорликда ишга туширилган «Ритер-Ўзбекистон» хорижий корхоналари шулар сирасидандир. «Ритер- Ўзбекистон» пилталаш, тараш ва йигириш машиналари ишлаб чиқаради. Бу эса, ўз навбатида, республикада тўқимачилик машинасозлигини янги босқичда қайта тиклашга замин яратади.

Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами арафасида 22 та янги саноат корхонаси ишга туширилади. (Уларнинг лойиҳа қиймати 73 млн. долларга тенг). Пировардида, тармоқнинг экспорт салоҳияти 73 млн. долларга ортади, 1900 та янги иш ўрни яратилади. Келгусида тўқимачилик ва енгил саноатнинг 2014-2020 йиллардаги ривожланиши техника-иқтисодий мақсадли прогноз кўрсаткичлари саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2020 йилга бориб, 6,9 трлн. сўмни ташкил этишидан далолат беради. Шунингдек, ип калава ишлаб чиқариш 2,5 марта, газлама ишлаб чиқариш ҳажми 2,8 марта, шойи газлама — 2,7 марта, нотўқима матолар — 1,5 марта, трикотаж матолар ишлаб чиқариш эса 2,7 марта ортади. Тикув-трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш ҳам кенгайиб боради. Тикувчилик буюмлари 2020 йилга бориб, 3,2 марта, трикотаж маҳсулотлари 2,1 марта, хом ипак ишлаб чиқариш эса 2,1 марта кўпаяди.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибидаги корхоналар мактаб бозори ярмаркаларида фаол иштирок этмоқда. Улар 2012 йилда 770 минг дона мактаб ва спорт формалари ишлаб чиқариб, мактаб бозорларида сотган бўлса, 2013 йилда 835 минг дона, 2014 йилда 935,4 минг дона мактаб ва спорт формалари ишлаб чиқарди.

Шу билан бир қаторда, бажарилиши кутилаётган вазифалар ҳам мавжуд. Масалан, тўқувчилик саноатини ривожлантириш, тайёр газламалар ишлаб чиқарувчи янги қувватларни, шу жумладан, ички ва жаҳон бозорларида харидоргир бўлган янги маҳсулот турлари ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш, сунъий, синтетик тола ва ипларни (вискоза, ацетат, полиэфир, полиэстер, полиамид, полиакрилонитрил) ишлаб чиқаришни (кимё саноатида) йўлга қўйиб, арзон, аралаш толали мато ишлаб чиқариш, ҳамда тикувчилик саноатини тараққий эттиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётир.

«Ўзбекенгилсаноат» ДАК томонидан ўтказилган матбуот анжуманида ана шулар хусусида сўз юритилди.

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Реклама ва эълонлар

**«Universal Realtor» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 26-уйда жойлашган «UzGazOil» МЧЖга қарашли Фарғона вилояти, Риштон тумани, Риштон ҚФЙ, Қалайнав қишлоғида жойлашган 104-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси қўйилади. Бошланғич баҳоси 108 500 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 22 сентябр куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 19 сентябр соат 15:00.

Ушбу кунда сотилмай қолган ва аукцион савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилган АЁҚШнинг такрорий аукцион савдолари 2014 йил 30 сентябр, 7, 14 октябр кунлари, ушбу кунларда сотилмаган тақдирда ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий аукцион савдолари учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 15:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоси ғолиблари савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан мулк олди-сотди шартномасини имзолаши керак.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Realtor» МЧЖнинг ОАТБ «Капитал банк» МФО-00445, СТИР-302 269 399, 2020 8000 1049 7522 8001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга топшириши керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

**Қўшимча маълумот олиш манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: 150-35-55 Факс: 236-74-67 www.realtor.uz Email: universal.realtor@mail.ru**

**Лицензия RR-0127.**

## Мутахассис минбари

***Тармоқ касаба уюшмаси тизимидаги Тошкент шаҳар ташкилотлари 1139 тани ташкил этади ва унга 204631 нафар аъзо бирлашган.***

***Касаба уюшмаси ташкилотлари тузилмаган корхона, муассасалар тўғрисидаги маълумотлар банки асосида янгиларини тузиш бўйича мунтазам мониторинг олиб борилмоқда. Ҳаракатларимиз натижасида жорий йил биринчи ярмида 37 та ташкилот сафга қабул қилиниб, 405 нафар аъзо жамоа шартномавий муносабатлари билан қамраб олинди.***

## ЙЎЛИМИЗНИ ЗИЁ ЁРИТСИН

Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши ва шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши масъул ходимлари билан ҳамкорликда фаоллар, иш берувчилар иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилди. Уларда 400 нафардан ортиқ ходимлар иштироки таъминланди. Шунингдек, юқори касаба уюшма ташкилотлари масъул ходимлари билан биргаликда барча бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада яхшилаш юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш режалари ишлаб чиқилиб, шу асосда муайян чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бугунги кунда тармоқ тизимидаги 400 дан ортиқ ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Соғлом бола йили муносабати билан қабул қилинган дастур доирасида тармоқ тизимидаги муассасаларда имзоланган жамоа шартномалари янада бойитилди, қўшимча имтиёз ва кафолатлар орқали 69 та корхонада меҳнат қилаётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 88 та ёш оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилинди. 428 та корхонада 706 та кам таъминланган ёш оилаларга, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган 14 нафар оналарга моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, олий ўқув юртларида таҳсил олаёган 17 талабага контракт пулларининг бир қисми тўлаб берилди. Меҳнат қонунчилиги юзасидан 588 та (503 та ёзма ва 84 та оғзаки) мурожаат тушди. Улар бўйича тушунтиришлар берилиб, ижобий ҳал қилинди.

Айни кунларда истиқлол йилларида эришилган ютуқлар ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимизга янада тушунарли ва таъсирчанроқ қилиб етказиш мақсадида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остидаги маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилаётир.

**Абдуҳалил РАҲМОНОВ,**
**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент шаҳар бўйича масъул ташкилотчиси**

**Қўшсаҳифа материалларини «Ishonch» мухбирлари Неъмат РАФИҚОВ ва Гўзал НОРЧАЕВА тайёрлади.**

**Билдириш**

«Ishonch» газетасининг 2014 йил 9 августдаги 96 (3445)-сонининг 3-саҳифасида «VIP REAL ESTATE» МЧЖ Наманган вилоят филиали томонидан 2014 йил 10 июн куни соат 14-00да ўтказилиши белгиланган аукцион савдосига киритилган Норин тумани Учтепа ҚФЙда жойлашган «Чўжа» амбулаторияси бино ва иншоотлари, Пахтақишлоқ ҚФЙ Шахидмозор МФЙда жойлашган 1-сон «Шахидмозор» ФАП бино ва иншоотлари, Пахтақишлоқ ҚФЙда жойлашган «15-сон мактаб» филиали бино ва иншоотлари тўғрисидаги эълон матни техник хатолик сабабли, такроран бериб юборилганлиги сабабли, бекор қилингалиги маълум қилинади.

Ishonch
2014-yil 23-avgust № 102-103 (3452)

# Энг улуғ, энг азиз байрам — ижодкорлар нигоҳида

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Истиқлол йилларида бошқа соҳалар қатори илм-фан, маърифат, маданият ва санъат соҳаларини равнақ топтириш, халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримизни қайта тиклашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларда ижодкорларни навқирон авлодни ватанпарварлик, фидойилик, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи юксак савияли, бадиий жиҳатдан мукаммал асарлар яратишга руҳлантириш, самарали меҳнат қилаётган юртдошларимиз меҳнатини эъзозлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг шу йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига асосан шу кунларда мустақиллигимизнинг 23 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик жараёни қизғин тус олган. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Бадиий академия, «Тасвирий ойина» уюшмаси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Миллий телерадиокомпания, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди каби ташкилотлар томонидан «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танловини юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Қутлуғ байрам арафасида ижодий беллашувнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари бўлиб ўтди. Танловга тақдим этилган ижодий ишларда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғоя ўз ифодасини топган. Танловнинг республика босқичига адабиёт, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, тасвирий санъат, фотография, дизайн, кино йўналишлари бўйича тўрт юзга яқин ижодкордан қарийб беш мингта иш тушди. Тақдим этилган асарларда истиқлолнинг маъно-мазмуни, халқимиз танлаб олган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий экани, ривожланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида эришилган ютуқ ва марраларнинг мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёш авлодга ҳаётий, таъсирчан, содда ва айни дамда самимий, ўзига хос ижодий ёндашув асосида очиб берилганига эътибор қаратилди.

— Истиқлол ижод аҳлига эркин ва самарали фаолият кўрсатиш, ўз салоҳиятини тўла намоён этиш имконини берди, — дейди танлов ғолиби, кино режиссёр Аюб Шаҳобиддинов. — Бугун мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқ ва марралар Ватанимиз тараққиёти, жамият ҳаёти билан бирга юртдошларимизнинг тақдирида, онгу тафаккури, кайфияти ва руҳидаги ижобий ўзгаришларда ўз ифодасини топмоқда. Буларнинг барчасини тараннум этиш бизга катта масъулият юклайди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ижод аҳлига кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Танлов якунида турли йўналишлар бўйича ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**
**ЎзА фотомухбири Сарвар ЎРМОНОВ**
**олган суратлар**

## Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

*Юртдошларимизни мустақиллигимизнинг 23 йиллиги билан самимий қутлайди.*

**Юрт тараққиёти йўлидаги ишларимиз бароридан келсин. Бахт-саодат, сиҳат-саломатлик ҳамда тинчлик-хотиржамлик ҳамиша ҳамроҳимиз бўлсин!**

**Учрашув**

***Муштарийлар билан юзма-юз мулоқот таҳририят ходимларида янги-янги ижодий режалар туғилишида, газета саҳифаларининг қизиқарли ва ранг-баранг материаллар билан бойишида алоҳида ўрин тутади. «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ижодкорларининг ЎзКУФК Санатор-курортлар бошқармасига қарашли «Чинобод» санаторийси дам олувчилари билан учрашувлар ўтказиши анъана тусини олганлиги ҳам бежиз эмас. Бу йил ҳам санаторий мутасаддиларидан ҳамкорликда ана шундай тадбир уюштириш ҳақида таклиф бўлди ва биз буни бажонидил қабул қилдик. Санаторийга қадам босишимиз билан бизни ўзгача руҳ қарши олди. Соясалқин маскан байрамона кўриниш олган. Дам олувчиларни кўтаринкилик ва хуш кайфият эгаллаган. Чинданам энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг 23 йиллик тўйи арафасида бошқача манзара бўлиши ҳам мумкин эмас.***

# «Чинобод»да икки соат

Шу ўринда санаторий ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак. «Чинобод» санаторийси Юнусобод туманининг Обид Зокиров кўчасида жойлашган, денгиз сатҳидан 470 метр баландликда. 1963 йилдан бошлаб бу ерда 1544 метр чуқурликдан чиқадиган, кимёвий таркиби бўйича хлорид сулфатли, натрий гидрокарбонатли, 48-50 С° ҳароратли маъданли сув манбаидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Санаторий ер майдони 18 гектар бўлиб, ўзига хос иқлими билан ажралиб туради. Ёзда бу ерда ҳарорат 26-30 С°, қишда - 1-5 С° бўлиб, нисбий намлик 45%, қуёшли кунлар давомийлиги йилига 2800 соатни ташкил этади. Йил давомида яшнаб турадиган дарахтлар, анвойи гуллар, шинам хиёбонлар инсон кайфиятини кўтаради.

Бугунги кунда санаторий худудида қад кўтарган замонавий бинолар, даволаш бўлимлари, 250 ўринли маданият саройи, ёзги ва қишки кинотеатр, ошхона, чойхона, дўконлар, кутубхона, спорт майдончалари, гимнастика зали, гўзаллиги билан ҳаммани ром этувчи товус ва кийиклар вальерали, қайта капитал таъмирланган ётоқ биноси, дам олиш хоналарининг ҳаммаси дам олувчилар учун хизмат қилмоқда.

2001 йилда очиқ акционерлик жамиятига айлантирилган «Чинобод санаторийси»да асосий даволаш муолажалари табиий бойликлардан кенг кўламда фойдаланиш орқали амалга оширилади. Масалан, санаторий маъданли сувини ичиш, ванна қабул қилиш, Жиззахдаги «Балиқли» кўлидан келтирилган шифобахш балчиқдан фойдаланиш, «Йодшифо» плазмаси орқали даволаш кабилар ҳар қандай одамни тетиклаштириб юборади. Бундан ташқари, парафин ва озокерит, юқори ва паст частотали ток, лазер, инфрақизил ва ультрабинафша нурлар, даволаш физкултураси, милкларни чайиш, ошқозон ва ичакни ювиш, дуоденал дренажлар, уқалаш усуллари ёрдамида даволаш йўлга қўйилган. 2007 йилдан гирудотерапия, аромотерапия, колоноскопия, остеохондроз ва умуртқа поғонаси грижаси касалликларида умуртқа поғонасини дозали тортиш каби янги даволаш усуллари қўллана бошланди.

Санаторийнинг ёзги томошагоҳида дам олувчилар газетамиз мухлислари билан учрашув кутилганидек ҳаяжонга бой бўлди. Тадбирни сиҳатгоҳнинг олий тоифали шифокори Холида Очилова кириш сўзи билан очди.

— Севимли нашрларимиз бўлмиш «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ходимлари иштирокида ташкил этиладиган учрашувларимиз ҳар гал кўнгилли ва таассуротларга бой ўтади, — деди у. — Бу биз учун айни муддаодир. Зеро, инсон танасига сиҳат улашиш, аввало, унинг кўнглидаги ғуборларни аритишдан, маънавий оламини юксалтиришдан бошланади. Чунки қалбан соғаймаган одамнинг шифо топиши қийин. Улуғ айём арафасида ижод аҳли билан мулоқот уюштиришдан кўзлаган мақсадимиз ҳам шудир. Бугун биз истиқлол берган буюк бахтнинг моҳиятини чуқур англамоғимиз, унинг неъматларини қадрлаб, озодлигимиз ва тинчлигимизни асраб-авайлашимиз зарур. Ўз меҳнатимиз ва интилишимиз билан юртимизни янада обод ва тараққий этган мамлакатга айлантириш ҳар биримизнинг бурчимиз.

Шундан сўнг таҳририятимизнинг Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими муҳаррири Бахтиёр Ризаевга сўз берилди.

— Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами нафаси кезиб юрган шундай файзли кунларда учрашиб турганимизда ўзига хос рамзий маъно бор, — деди у. — Юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг бахти ва қувончини истиқлолдан айро тасаввур қила олмаймиз. Боиси, мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўлидан дадил қадам ташлашида, мард ва танти халқимизнинг шижоатга тўла меҳнат ва интилиши озодлигимиз туҳфа этган улкан имкониятлар беқиёс ўрин тутади. Истиқлолнинг дастлабки кунларидан Президентимиз томонидан узоқни кўзлаб олиб борилган оқилона сиёсат, тараққиётнинг «Ўзбек модели» тамойиллари мукаммал ишлаб чиқилиб, ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилиши самарасини бугун ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Мамлакатимиз ривожланиш йўлидан тезкор ва барқарор одимлаб, мислсиз ютуқларни қўлга киритмоқда. Кенг кўламли бунёдкорликлар, иқтисодиёт, фан-техника, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, хуллас, қайси соҳани олиб қараманг, улкан ўзгаришларга, муваффақиятларга гувоҳ бўласиз. Биз, журналистлар ана шу янгиланишларни кенг оммага етказиш, юртдошларимизда, айниқса, ёшларда фахр туйғусини уйғотиш, уларни мамлакатда кечаётган жараёнларда фаоллик кўрсатишга тарғиб этишни бурчимиз деб биламиз.

Қизғин суҳбат асноси таҳририят касаба уюшма қўмитаси раиси Неъмат Рафиқов шундай деди:

— Бошқа нашрлардан фарқли ўлароқ, газеталаримизда касаба уюшмалари олиб бораётган ишлар кенг ёритилади. Ушбу жамоат ташкилоти фаолияти эса серқирра бўлиб, барча соҳаларга кириб боради. Бир сўз билан айтганда, муваффақиятлар калити ишловчи кайфиятига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, бу ҳол касаба уюшма етакчиларидан хамиша ҳушёр бўлишни талаб этади. Эътироф этиш жоизки, касаба уюшма ташкилотлари ижтимоий ҳимоя, меҳнат хавфсизлиги, ҳуқуқий муҳофаза, соғломлаштириш, маданий-маърифий, спорт тадбирларини уюштириш ва бошқа йўналишдаги ишлари орқали халқимизнинг турмуш даражасини янада юксалтиришга, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бунинг исботини шу ернинг ўзида — ушбу сиҳатгоҳда меҳнаткашларнинг сифатли дам олдирилиши, бунинг учун барча шароитлар яратилганлиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Нашрларимизда касаба уюшмаларининг кенг қамровли фаолиятини ёритиш жараёнида тизимдаги намунали бошланғич ташкилотлар илғор иш услубларига алоҳида урғу бериб, касаба уюшмаси етакчиси бўлиш учун қандай фазилатларга эга бўлиш кераклигини батафсил очиб бериш ва бошқа кўплаб жиҳатларга эътибор қаратамиз. Газеталаримиз мавзу-мундарижаси ғоят кенг бўлиб, меҳнат ҳуқуқига оид саволларга мутахассисларнинг жавоблари, ранг-баранг мавзулардаги материаллар ҳам ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Дам олувчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш асноси ушбу учрашувдан мамнун эканликларини изҳор этишди.

— Мен «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ижодкорлари билан бўлиб ўтган олдинги учрашувда ҳам иштирок этгандим, — деди Орзумурод Элмуродов. — Бугал ҳам шундай бахтга эришиб турибман. Ўзим шифокорман. Юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ишларни кўриб хурсанд бўламан. Биргина мисол. Бу йил Президентимиз ташаббуси билан Тошкент стоматология институти ташкил этилди. Бу ҳам истиқлолнинг шарофати туфайли. Чунки бир пайтлар бундай илмгоҳ фаолият кўрсатишини тасаввур қилиш қийин эди.

**Мавлонжон Жўраев:**

— «Чинобод» сиҳатгоҳига илк бор келишим. Таассуротим бир олам. Санаторийда барча шароит муҳайё этилган. Айниқса, шифокору ҳамшираларнинг муомаласига таъриф йўқ. Бу ерда ҳар куни маданий тадбирлар ташкил этилади. Санъаткорларнинг чиқишлари кўнглимизни чоғ қилмоқда. Бугун бўлиб ўтаётган учрашувдан ҳам катта таассурот олдик. Бунинг учун тадбир ташкилотчиларига, ижодкорларга алоҳида миннатдорлик билдирамиз.

Юзма-юз суҳбат, ўзаро фикр алмашув узоқ давом этди. Тадбирда «Дуторчи қизлар» ансамбли хонандаси Нилуфархон Усмонова ижросидаги дилтортар қўшиқлар барчага хуш кайфият улашди.

**Тўлқин ШЕРНАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

## «СИТОРАИ МОҲИ ХОСА САНАТОРИЙСИ» МЧЖ маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

*Соҳа ходимлари ва гўзал Ўзбекистонимиз аҳолисини яқинлашиб келаётган энг улуғ ва энг азиз байрам — МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 23 ЙИЛЛИГИ муносабати билан самимий муборакбод этади.*

**Юрт тинчлиги, Ватан ободлиги, халқ фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатаётган азиз инсонларга, уларнинг оила аъзоларига мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, ҳамиша хуш кайфият, хонадонларига қут-барака тилаймиз.**

**«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА санаторийси» МЧЖ** иқлимий ва балнеологик курорт, у Зарафшон дарёси воҳасида, денгиз сатҳидан 500 м. баландликда, Бухоро шаҳрининг шарқий чеккасида Бухоро амирининг собиқ қароргоҳи ҳудудидаги сўлим бир масканда жойлашган.

Даволаш омиллари бўлган иқлими ва сулфат-хлорид натрийли маъданли (+40-42С°)сув-буйрак, асаб ва ҳаракат-таянч тизими ҳамда овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари билан хасталанганларга тавсия этилади.

Санаторийда замонавий ташхислаш ва физиотерапия, лазеротерапия, балчиқ, шунингдек, нуга бест, стимул, вибромассаж, электромассаж аппаратлари, парафин-озакерит билан даволаш, тузли ғор (галиоаэротерапия), стоматологик муолажалар, ингаляция, умуртқа поғонасини компютер мосламасида чўзиш, жисмоний тарбия, уқалаш, механик уқалаш, фитобар ва парҳезли овқатлантириш соғлиғингизни тиклашга хизмат қилади.

Ётоқ хоналари шинам қилиб безатилган, барча қулайликларга эга стандарт ҳамда хоҳишларга кўра люкс хоналардан иборат.

Кенг ошхона, клуб, спорт майдончалари, кутубхона, музей, бассейн (сауна) сизнинг хизматингизда. Бухоро шаҳрининг тарихий обидаларига экскурсиялар уюштирилади.

**МЧЖга оид суратлар:e-mail: sihatgoh_sitora @mail.ru. Манзилимиз: 200126, Бухоро шаҳри, Моҳи Хоса даҳаси, Шифокорлар кўчаси, 30-уй, Тел:(8-365) 228-50-26, 228-50-88 Факс: (8-365) 228-50-66.**

## Ўзбекистон Фанлар Академияси Бирлашган касаба уюшма қўмитаси

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз бўлмиш Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан барча юртдошларимизни муборакбод этади. Хусусан, таълим, фан ва маданият соҳасида меҳнат қилаётган фидойи, заҳматкаш олим, тадқиқотчи, ўқитувчи ҳамда толиби илмларга савобга йўғрилган барча саъй-ҳаракатларида каттадан-катта муваффақиятлар тилайди.

**Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч бўлсин!**



## «ЖАНУБГАЗТАЪМИНОТ» УНИТАР КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

*Барча ватандошларимизни Истиқлол шодиёнаси — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллиги билан қизғин қутлайди. Байрамлар шукуҳи серқуёш ўлкамизни ҳеч қачон тарк этмасин! Озод ва обод диёримиз шавкати ва шуҳрати оламни тутсин!*





## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ

**Ўзбекистон халқини Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги билан табриклайди!**

*Жаннатмакон юртимиз янада гуллаб-яшнасин. Меҳнатсевар халқимизнинг иқболи порлоқ, эртаси нурафшон бўлсин!*



Реклама ва эълонлар

**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 16 июндаги 149 к-ПО ва 2014 йил 11 июндаги 144 к-ПО-сонли буйруқларига асосан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2014 йил 4 ва 18 августда ўтказилган очиқ аукцион савдолари натижасига кўра сотилган давлат активлари**

1. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Отатурк кўчаси, 17-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 237,0 кв.м., савдо дўкони қисми, бошланғич баҳоси — 689 731 831 сўм, сотилиш баҳоси — 860 000 000 сўм. 2. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Марказ-2, 5-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 223,0 кв.м., собиқ «Болалар дунёси» универмаги биносига туташ бўлган савдо дўкони биноси, бошланғич баҳоси — 715 131 355 сўм, сотилиш баҳоси — 880 000 000 сўм.

**Хизматлар лицензияланган.**

## Эътироф

***«Соғлом оила» шиори остидаги мусобақаларнинг Тошкент вилоят босқичи ғолиблари Ш.Назаров (Қуйи Чирчиқ), Р.Аҳмедов (Бекобод) оилалари учун минтақавий босқич ҳам омадли келди. Якунда Аҳмедовлар оиласи шоҳсупанинг иккинчи, Назаровлар оиласи эса учинчи поғонасига кўтарилди.***

# СОҒЛОМ ОИЛА – СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

— Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида оммавий спортни янада ривожлантириш, жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишни одат тусига айлантириш, спорт-соғломлаштириш тадбирлари орқали уларнинг саломатлигини тиклаш йўналишида касаба уюшмалари томонидан олиб борилаётган ишлар ибратга сазовор, — дейди Ш.Аҳмедов. — Чиндан-да соғлом оила соғлом жамият асосидир. Турмуш фаровонлиги ва меҳнатга рағбат уйғунлиги янгидан-янги марраларга чорлайди. Айнан шунинг учун ҳам спорт тадбирини юқори савияда ташкил этгани учун касаба уюшмалари тизими мутасаддиларидан чексиз миннатдормиз.

**Нарзулла МАҲАМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Маънавий-маърифий тадбирлар

***Мустақиллигимизнинг 23 йиллик шодиёнаси олдидан жойларда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида зиёлиларнинг кенг жамоатчилик билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда.***

# ЎЗГАЧА ШУКУҲ

Яқинда Хўжайли шаҳридаги 1-«Меҳрибонлик» уйида таниқли олимлар, ёзувчилар, журналист ва санъаткорлар иштирокида шундай тадбир ташкил этилди. Жонли мулоқотларда мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ҳақида сўз юритилди.

Тадбир якунида таниқли санъат усталари ва ёш эстрада хонандалари истиқлолимизни улуғловчи, Ватанни тараннум этувчи куй-қўшиқлари билан даврага файз киритди.

**Ортиқбой МАМУТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Айни кунларда юртимизнинг ҳар бир гўшасида байрам шукуҳи кезмоқда. Жойларда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остидаги маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилаётир.***

# БАРКАМОЛ АВЛОД
## пировард мақсадимиз

Тошкент тиббиёт академиясида бўлиб ўтган «Муҳаббатим сенга, она Ватаним» мавзусидаги анжуман Тошкент давлат стоматология институти, Ҳамза тумани ҳокимлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, шифокорлар иштирок этди.

Айтиш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга доир қатор фармон ва қарорлари, давлат дастурлари асосида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар туфайли барча бўғиндаги тиббиёт муассасалари фаолияти замон талаби даражасида йўлга қўйилмоқда.

Тадбирда Тошкент давлат стоматология институти ректори Н.Ҳабилов ва бошқалар жамиятимизда тиббий маданиятни юксалтириш, аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда миллатимиз генофондини мустаҳкамлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганини қайд этишди.

— Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 22 июлдаги «Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори стоматология соҳасида юқори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлашни янада такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, мутахассисларнинг назарий билимини амалий кўникмалар билан мустаҳкамлашга хизмат қилади, — дейди Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси касаба уюшма қўмитаси раиси Ойжамол Эшова. — Байрам тадбирида стоматология соҳасида кўп йиллар фаолият юритиб, айни пайтда нафақада бўлган меҳнат фахрийларига маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг совғалари топширилди.

Санъат усталари, ёш ижрочилар ва бадиий жамоалар иштирокидаги концерт дастури йиғилганларни янада хушнуд этди.

**Гўзал НОРЧАЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Реклама ўрнида

23

"Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!"

O'ZSANOATQURILISHBANK

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ
барча ватандошларимизни энг азиз , энг улуғ байрамимиз - мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги байрами билан муборакбод этади!

*Сизларга омад, бахт ва саодат, буюк ва муқаддас Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик фаолиятингизда янгидан-янги зафарлар ёр бўлсин!*

Ушбу байрам арафасида "Ўзсаноатқурилишбанк" барча ватандошларимизга миллий валютадаги "ЯГОНАСАН ВАТАНИМ" янги жамғарма омонатини таклиф этади!

Мазкур омонатга маблағлар 4 ой муддатга қабул қилиниб, омонат бўйича фоиз даромади ҳар ой тўланади!

Вақт давомида синалган ишонч!
www.uzpsb.uz

## Фарзандлар учун




***Ушбу «the ABC book» алифбеси олти қўлланмадан иборат тўпламнинг биринчи китоби бўлиб, у мактабгача, мактаб ёшидаги болалар ва бошқа ўрганувчилар учундир. Қўлланма инглиз тилини оғзаки мулоқот орқали ўрганишга мўлжалланган бўлиб, бир неча янги услубларга асосланган.***

# ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА

Бошланғич синфга қадам қўйган ёки эндигина тил ўрганишга киришган бола учун жиддий тарзда назарий билим олиш анча оғир ва мураккабдир. Бундай психологик босим боланинг чет тилини ўрганишга бўлган қизиқишини сўндириши ҳам мумкин. Шунинг учун ушбу мўъжаз қўлланма ранг-баранг расмлар орқали, қизиқарли халқ эртагининг замонавий талқини асосида яратилди. Яъни, маълумотлар яхлит бир воқеага асосланган ҳолда тузилди. Асос қилиб халқ эртаги олинди. Бу услубнинг афзал томонлари шундаки, ҳар бир ҳарф учун ажратилган сюжет бўлаги бир-бирига боғлиқлиги туфайли биринчи саҳифани ўқиган ўқувчи, албатта, кейинги саҳифа билан танишишга интилади. Фарзандларингиз билан машғулотларни бошлашдан олдин қўлланма аввалида отаоналар учун берилган тавсиялар билан яхшироқ танишиб олинг. Инглиз тили алифбесини эртаклар оламига саёҳат қилиб ўрганишингиз сиз ва фарзандингиз учун самарали бўлишига тилакдошмиз.

**А.АБДУЛЛАЕВ**

# «СОҲИЛ»ДА ҲОРДИҚ

***Наманган вилояти Косонсой туманидаги «Соҳил» оромгоҳида ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганлар ҳамда махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари учун таълим-тарбия ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари ўтказилмоқда.***

Айни пайтда оромгоҳга жалб қилинган юздан зиёд ёшларнинг эллик нафари профилактик ҳисобда турувчи ўсмирлардир. «Тенгдош — тенгдошга» тамойили асосида олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари ҳар жиҳатдан самарали бўлмоқда. Айниқса, таниқли шоир-ёзувчилар, халқаро спорт мусобақалари ва чемпионатлар ғолиблари иштирокида ўтаётган давра суҳбатлари, ватанпарварлик, меҳр-оқибат каби инсоний туйғулар ифодаланган бадиий ва ҳужжатли филмлар намойиши болаларда унутилмас таассурот қолдирмоқда.

**Суратларда: «Соҳил» оромгоҳида.**

**ЎзА фотомухбири Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган суратлар**

## Осиё ўйинлари

***Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида Осиё ўйинларининг футбол мусобақасига қуръа ташланди. Унга кўра, Ўзбекистон терма жамоаси мусобақанинг «В» гуруҳида Гонконг, Бангладеш ва Афғонистон терма жамоаларига қарши ўйнайди.***

# ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Эслатиб ўтамиз, мазкур мусобақада терма жамоалар 23 ёшгача бўлган футболчилар билан иштирок этади. Регламентга кўра, жамоа ёши 23 ёшдан катта бўлган 3 нафар футболчини таркибига қўшиб олиши мумкин.

Осиё ўйинлари футбол мусобақаси 14 сентябр куни старт олади ва 3 октябргача давом этади.

## Таэквондо

***Австралиянинг Сидней шаҳрида таэквондо (WTF) бўйича ўтказилган «Австралия опен — 2014» халқаро турнири спортчиларимиз учун муваффақиятли якунланди.***

# ОЛТИН, КУМУШ, БРОНЗА

Дунёнинг 35 мамлакатидан келган 600 га яқин спортчи қатнашган нуфузли мусобақада таэквондочиларимиз олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритди.

Истеъдодли вакилимиз Никита Рафалович ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Яна бир маҳоратли спортчимиз Дмитрий Шокин иккинчи ўринни эгаллади, ёш таэквондочимиз Жасур Бойқўзиев эса бронза медал билан тақдирланди.

Халқаро турнирда вакилларимиз умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни банд этди.

**Ўз мухбиримиз**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -20.50
Topshirildi - 23.30

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 815 | 13970 nusxada bosildi | 1 2 3 5